

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИҚТИСОДИЁТ ФАКУЛЬТЕТИ**

**МАКРОИҚТИСОДИЁТ КАФЕДРАСИ**

**“Инсон капиталини инвестициялаш амалиётини  
такомиллаштириш” мавзусида**

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

Бажарди: “Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)” таълим йўналиши битирувчиси 4 – босқич талабаси  
Б.Б. Бахтиёров

ИЛМИЙ РАҲБАР:

И.ф.д. проф. Вахабов А.В.

Битирув малакавий иши кафедрадан дастлабки ҳимояда ўтди  
\_\_\_\_\_ сонли баённомаси “ \_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2014 йил

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети Иқтисодиёт  
факультети IV босқич талабаси Б. Б. Бахтиёровнинг “Инсон  
капиталини инвестициялаш амалиётини такомиллаштириш” мавзусидаги  
битирув малакавий ишига**

**Т А Қ Р И З**

Мамлакатимиз Президенти И.А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг самарадорлиги, илмий – амалий аҳамияти шундаки бу сиёсат аҳоли турмуш тарзи фаровонлигини мунтазам такомиллаштириб борилишини, аҳоли саломатлиги, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга жиддий эътибор қаратиб келмоқда. таъминламоқда. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, олиб борилаётган ислохотлар жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлашнинг муҳим воситаси бўлиб ҳисобланади. Ижтимоий барқарорлик эса – мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни чуқурлашуви, иқтисодиётни модернизациялаш ва таркибий ўзгаришларни амалга оширишнинг муҳим шартидир.

Тадқиқот ишида кўпсонли бирламчи манбалар ва статистик материалларни жамлаш, гуруҳлаш, чуқур таҳлил қилиш асосида эътиборга лойиқ илмий – амалий аҳамиятга эга бўлган, илмий жиҳатдан асосланган хулосалар олинган, инсон капиталини ривожлантириш мақсадида амалга оширилаётган ислохотларни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Такриз берилаётган битирув малакавий иши кириш, уч боб хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, музкур ишда инсон капитали тараққиёти, уни ташкил этувчи компонентлари кўрсаткичлари динамикаси, уларга таъсир этувчи омиллар, жумладан ижтимоий шароитлар таҳлил қилишга катта эътибор қаратилган.

Битирув малакавий ишининг биринчи бобида инсон капитали тушунчаси, унга иқтисодчи олимларнинг назарий қарашлари ҳамда концептуал моҳияти

ёритилган. Шу қаторда инсон капиталининг мамлакат иқтисодиётига таъсир этиш доиралари ҳақида маълумот берилган.

Битирув малакавий ишининг иккинчи бобида эса жаҳонда инсон капитали ҳолати, унинг таркиби ҳамда ривожланиш даражалари ёритилган. Жаҳон амалиётидан уч гуруҳ мамлакатлардаги (тараққий этган мамлакатлар, БРИКС, ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари) инсон капитали тараққиёти индекси, унинг таркибига кирувчи компонентлар кўрсаткичлари ҳамда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестициялар даражалари ва динамикалари таҳлил этилган.

Битирув малакавий ишининг сўнги учинчи бобида Ўзбекистонда инсон капитали ривожланиши, унинг таркиби, инсон капиталига сармоялар таркиби ва кўрсаткичлари таҳлил этилиб, ўрта муддатда инсон капиталини ривожлантиришнинг муқобил муқобил сценарийлари ҳақида маълумот берилган.

Ишнинг хулоса қисмида ишлаб чиқилган илмий хулосалар ва амалий тавсияларнинг қисқача мазмуни ўз ифодасини топган.

Тадқиқот иши ўз олдида қўйган мақсаддан келиб чиққан ҳолда мантиқан тўғри кетма – кетликка асосланган таркибга эга. Битирув малакавий ишида олға сурилган мақсадга тўлиқ эришилган ва олинган илмий хулоса ва амалий таклифлар тугалланган характерга эга. Тадқиқот иши тушунарли, содда тилда ва ишни ёзишнинг интенсив, интерфаол услубларидан самарали фойдаланилган ҳолда равон ёзилган.

Фикримизча битирув малакавий ишининг илмий янгилиги қуйидагиларда мужассамлашган: инсон капиталининг ижтимоий – иқтисодий моҳияти назарий жиҳатдан асослаб берилган; инсон капиталини инвестициялашнинг илғор тажрибасини қиёсий ўрганиш асосида Ўзбекистонда инсон тараққиётини таъминлашга қаратилган чора – тадбирларни амалга оширишда ижодий фойдаланиш имкониятлари тадқиқ этилган; жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг инсон капиталини инвестициялаш жараёнига таъсири баҳоланган; Ўзбекистонда инсон капитали тараққиётига таъсир кўрсатувчи компонентларнинг ривожланиш босқичлари ва ҳозирги замон тенденциялари

баҳоланган; Ўзбекистонда инсон капиталини инвестициялаш жараёнининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва истиқболли йўналишлари юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

Битирув малакавий ишида айрим камчиликлар мавжуд. Масалан, битирув малакавий ишида келтирилган айрим статистик маълумотларни фақатгина инқироз давридан кейинги кўрсаткичлари асосида таҳлил этилган, ушбу кўрсаткичларнинг динамик ўзгаришлари эса бевосита инқироз оқибатлари билан боғланган, баъзи статистик кўрсаткичларни аниқлаштириш лозим. Лекин ушбу ҳолат битирув малакавий ишига берилган юқори юқори баҳога ўз таъсирини кўрсатмайди. Умуман, ЎЗМУ Иқтисодиёт факультети Иқтисодиёт йўналиши IV босқич талабаси Б.Б. Бахтиёров томонидан бажарилган “Инсон капиталини инвестициялаш амалиётини такомиллаштириш” мавзусида ёзилган малакавий иши ўз олдига қўйган мақсадга эришган, тадқиқот жараёнида олинган хулосалар тугалланган илмий янгиликка эга, барча кўрсаткичлари бўйича олий мактабнинг битирув малакавий ишларига қўйиладиган талабларга тўлиқ жавоб беради ва “аъло” баҳога лойиқ деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги

Ижтимоий тадқиқотлар институти

илмий котиби

И.ф.н., доц., Г.А. Нуриддинова

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университети**  
**Иқтисодиёт факультети IV босқич талабаси Б. Б. Бахтиёровнинг**  
**“Инсон капитални инвестициялаш амалиётини такомиллаштириш”**  
**мавзусидаги битирув малакавий ишига**

**А Н Н О Т А Ц И Я**

**Мавзунинг долзарблиги.** Ўтган йили аҳолининг ижтимоий фаровонлигини таъминлаш ва социал соҳани ривожлантириш масалалари фаолиятимизда ҳал қилувчи ўрин эгаллади.<sup>1</sup>

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инсон капитални инвестициялаш амалиётини такомиллаштиришга илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишнинг назарий – амалий аҳамиятга эгаллиги танланган тадқиқот мавзусининг долзарблигини билдиради.

**Тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари.** Тадқиқот ишининг мақсади инсон капитални инвестициялаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот ишининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- инсон капитали моҳиятини очиб бериш ва уни тараққиётга таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганиш;
- хориж тажрибасида инсон капитални инвестициялаш жараёнига баҳо бериш ва ривожланишидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш;
- мамлакатимизда инсон капитали тараққиётини таъминлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот ишининг предмети ва объекти.** Мазкур битирув малакавий ишининг предмети – инсон тараққиёти жараёнида содир бўладиган ижтимоий – иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида инсоннинг турмуш даражасини ошириш ва сифатини яхшилашга қаратилган давлатнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш, инсон ва унинг ҳаёти билан узвий боғлиқ бўлган жараёнлар тадқиқотнинг объекти бўлиб ҳисобланади.

**Тадқиқот услубиёти ва усуллари.** Тадқиқот ишини амалга ошириш жараёнида анализ ва синтез, қиёсий таққослаш, статистик кузатиш, гуруҳлаш илмий усулларидан фойдаланилди.

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. 2014 йил юкори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оклаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йўли бўлади. – Т.: “Ўзбекистон”, 2014 й. 18 б.

**Тадқиқот ишининг илмий янгилиги.** Тадқиқот ишининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- инсон капиталининг ижтимоий – иқтисодий моҳияти назарий жиҳатдан асослаб берилган;
- жаҳон амалиётида инсон тараққиёти даражаси, уни компонентларнинг ҳолати баҳоланган ва унга таъсир этувчи омиллар тавсифланган ҳамда таснифланган;
- Ўзбекистонда инсон капиталини инвестициялаш жараёнининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва истиқболли йўналишлари юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот ишида олинган натижаларнинг амалий аҳамияти.** Тадқиқот ишида инсон капиталини инвестициялаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инсон капиталини ўрта муддатларда янада фаоллаштириш, ривожлантиришга қаратилган давлатнинг мақсадли дастурларини, ҳукумат қарорларини ишлаб чиқишда манба сифатида фойдаланиш мумкин. Тадқиқот иши материалларидан олий ўқув юртларида “Ижтимоий соҳа иқтисодиёти”, “Ижтимоий сиёсат”, “Иқтисодий назария” фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот ишининг таркиби ва ҳажми.** Тадқиқот иши таркиби кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

**Тадқиқот ишининг асосий натижалари.** Тадқиқот ишида инсон капитали тушунчаси, унга иқтисодчи олимларнинг назарий қарашлари эволюцияси ва концептуал моҳияти ёритилган. Инсон капиталининг мамлакат иқтисодиёти ривожланишига таъсир этиш дастаклари ва инструментлари тадқиқ этилган. Жаҳон амалиётида инсон капиталига йўналтирилаётган инвестициялар даражалари ва динамикалари таҳлил этилган. Мамлакатимизда ўрта муддатда инсон капиталини ривожлантиришнинг муқобил сценарийларига доир таклиф ишлаб чиқилган.

**Хулоса ва таклифларнинг қисқача умумлаштирилган ифодаси.** Ривожланаётган давлатлар инсон капитали тараққиёти таркибидаги компонентлари кўрсаткичлари тобора тараққий этган мамлакатлар кўрсаткичларига яқинлашиб бормоқда. Инсон капиталига йўналтирилаётган инвестициялар самарадорлигини оширишга қаратилган чора – тадбирлар ишлаб чиқиш мамлакатлар иқтисодиётида муҳим аҳамият касб этади.

## Мундарижа

<b>Кириш.....</b>	<b>3</b>
-------------------	----------

### **I – боб. Инсон капиталининг назарий асослари ва баҳолаш амалиёти**

1.1. Инсон капитали тушунчаси, моҳияти ва турлари, инсон капиталига бағишланган илмий концепциялар.....	7
1.2. Инсон капиталининг миллий иқтисодиётга таъсири. ....	16
1.3. Инсон капиталининг иқтисодий салоҳиятини баҳолаш услуги.....	19

### **II – боб. Жаҳонда инсон капитали ҳолати, таркиби ва ривожланиш тенденциялари**

2.1. Тараққий этган мамлакатлар иқтисодиётида инсон капитали.....	30
2.2. БРИКС мамлакатларида инсон капитали кўрсаткичлари ривожланиш тенденциялари.....	37
2.3. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида инсон капиталининг ривожланиши кўрсаткичлари.....	45

### **III – боб. Ўзбекистонда инсон капиталини ривожланиш истиқболлари**

3.1. Инсон капиталини ривожланиш омиллари ва таркиби.....	56
3.2. Инсон капиталини ривожланиши йўналишлари.....	63
3.3. Ўрта муддатда инсон капиталининг ривожланишини муқобил сценарийлари.....	72

<b>Хулоса ва таклифлар.....</b>	<b>80</b>
---------------------------------	-----------

<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>	<b>86</b>
--	-----------

## Кириш

**Тадқиқот мавзуининг долзарблиги.** Ўтган йили аҳолининг ижтимоий фаровонлигини таъминлаш ва социал соҳани ривожлантириш масалалари фаолиятимизда ҳал қилувчи ўрин эгаллади.<sup>2</sup>

Инсон капиталининг ривожланишидан кўзланган пировард мақсад инсоннинг танлаш имкониятларини кенгайтиришдан иборат. Ривожланиш жараёни инсонларнинг танлаш имкониятларини кенгайтириб бориб, улардаги мавжуд ошириб фуқароларга тўлақонли ҳаёт кечириш имкониятини беради ва ижодий имкониятларини тўлиқ амалиётга жорий эта бошлайди. Инсонлар эса бундай ривожланишдан манфаатдор шахслардир. Айти пайтда инсон ана шу манфаат туфайли юзага келадиган тараққиёт ва ўзгаришлар омилидир. Ушбу жараён барча инсонларнинг фаровонлиги йўлида адолатли йўсинда кечмоғи ва у ҳар бир кишининг фаол иштирок этишига асосланмоғи лозим.

**Тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари.** Тадқиқот ишининг мақсади инсон капитали тараққиётини инвестициялаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот ишининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- инсон капитали моҳиятини очиб бериш ва уни тараққиётга таъсир кўрсатувчи омилларни ўрганиш;
- жаҳон амалиётида инсон тараққиёти даражаси ва уни компонентларнинг ҳолатига баҳо бериш;
- хориж тажрибасида инсон капиталини инвестициялаш жараёнига баҳо бериш ва ривожланишидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш;
- жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг инсон капиталини инвестициялаш жараёнига таъсирини аниқлаш;

---

<sup>2</sup> Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йўли бўлади. – Т.: “Ўзбекистон”, 2014 й. 18 б.

– инсон капиталини инвестициялашнинг илғор хориж тажрибасини қиёсий ўрганиш асосида Ўзбекистонда инсон тараққиётини таъминлашга қаратилган чора – тадбирларни ишлаб чиқишда ижодий фойдаланиш имкониятларини тадқиқ этиш;

– Ўзбекистонда инсон капиталини инвестициялаш жараёнини жадаллаштириш, молиявий барқарорлигини таъминлаш ва истиқболли йўналишлари юзасидан амалий тавсиялар ишлаб чиқиш;

– мамлакатимизда инсон капитали тараққиётини таъминлашга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

### **Тадқиқот мавзусининг ўрганилиш даражасининг қиёсий таҳлили.**

Инсон капиталини инвестициялаш амалиётини такомиллаштириш мамлакатдаги ижтимоий – иқтисодий муносабатларни тадқиқ этишда муҳим илмий – амалий аҳамиятга эга бўлган долзарб муаммолардан ҳисобланади. Инсон капиталини ривожлантиришнинг назарий – амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи – олимлар А.Смит, Т.Шульц, Г.Беккер, Э.Денисон, Р.Солоу, С.Фишер<sup>3</sup> томонидан илк бор тадқиқ этилган.

Ўзбекистонда бозор иқтисодиёти шароитида инсон капитали тараққиёти ва уни инвестициялаш амалиётини такомиллаштириш, кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш механизми ва дастаклари Ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан, Л.М. Тошпўлатова, Н. Абдуллаева, Қ.Х. Абдурахмонов<sup>4</sup> ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инсон капиталини инвестициялаш амалиётини баҳолаш ва уни такомиллаштиришнинг муаммоларини илмий – амалий аҳамиятга эгаллиги, ҳамда иқтисодий

---

<sup>3</sup> Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – Москва: Эксмо, 2007, 684 с. // Shultz T. Human Capital in the International Encyclopedia of the Social Sciences. — N.Y., 1968. vol.6 // Becker G. Human Capital. — N.Y.: Columbia University Press, 1964. // Денисон Э. «Анализ экономического роста США с 1929 по 1969» (Accounting for United States Economic Growth, 1929-69; 1974. P.576) // Solou R. Policy of Full Employment, 1962. P. 638// Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономическая теория. — М., Юнити, 2002. С. 378

<sup>4</sup> Л.М.Тошпўлатова. Человеческое развитие: учебник/кол.авторов 2 – е издание. – Т.:УМЭД, ПРООН, 2011, С. 357-363 // Н.Абдуллаева. Человеческое развитие: учебник/кол.авторов 2 – е издание. – Т.:УМЭД, ПРООН, 2011, С. 11-48 // Инсон тараққиёти. Дарслик. И.ф.д., проф. Қ.Х. Абдурахмонов тахрири остида . – Т.: Иқтисодиёт, 2013. – 542 б.

адабиётларда етарлича тадқиқ этилмаганлиги ушбу мавзуни тадқиқот объекти сифатида танланишига асос бўлди.

**Тадқиқот ишининг илмий янгилиги.** Битирув малакавий ишининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- инсон капиталининг ижтимоий – иқтисодий моҳияти назарий жиҳатдан асослаб берилган;
- жаҳон амалиётида инсон тараққиёти даражаси ва уни компонентларининг ҳолати баҳоланган;
- жаҳон молиявий иқтисодий инқирозининг инсон капиталини инвестициялаш жараёнига таъсири баҳоланган;
- инсон капиталини инвестициялашнинг илғор хориж тажрибасини қиёсий ўрганиш асосида Ўзбекистонда инсон тараққиётини таъминлашга қаратилган чора – тадбирларни амалга оширишда ижодий фойдаланиш имкониятлари тадқиқ этилган;
- Ўзбекистонда инсон капитали тараққиётига таъсир кўрсатувчи омилларнинг ҳолати баҳоланган ва ривожланиш тенденциялари аниқланган;
- Ўзбекистонда инсон капиталини инвестициялаш жараёнининг молиявий барқарорлигини таъминлаш ва истиқболли йўналишлари юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот ишининг предмети ва объекти.** Мазкур битирув малакавий ишининг предмети – инсон тараққиёти жараёнида содир бўладиган ижтимоий – иқтисодий муносабатлар мажмуидан иборат. Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида инсоннинг турмуш даражасини ошириш ва сифатини яхшилашга қаратилган давлатнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш, инсон ва унинг ҳаёти билан узвий боғлиқ бўлган жараёнлар тадқиқотнинг объекти бўлиб ҳисобланади.

**Тадқиқот ишида олинган натижаларнинг амалий аҳамияти.** Тадқиқот ишида инсон капиталини инвестициялаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан иқтисодийни модернизациялаш шароитида инсон капиталини ўрта муддатларда янада фаоллаштириш, ривожлантиришга қаратилган давлатнинг мақсадли дастурларини, ҳукумат қарорларини ишлаб чиқишда манба сифатида фойдаланиш мумкин. Тадқиқот иши материалларидан олий ўқув юртларида “Ижтимоий соҳа иқтисодиёти”, “Ижтимоий сиёсат”, “Иқтисодий назария” фанларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Битирув малакавий ишининг таркиби ва ҳажми.** Битирув малакавий иши таркиби кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Битирув малакавий ишининг биринчи бобида инсон капитали тушунчаси, унга иқтисодчи олимларнинг назарий қарашлари эволюцияси ва концептуал моҳияти ёритилган. Инсон капиталининг мамлакат иқтисодиёти ривожланишига таъсир этиш дастаклари ва инструментлари тадқиқ этилган.

Битирув малакавий ишининг иккинчи бобида жаҳонда инсон капитали ҳолати, унинг таркиби ҳамда ривожланиш даражалари ёритилган. Жаҳон амалиётидан уч гуруҳ мамлакатлардаги (тараққий этган мамлакатлар, БРИКС, ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари) инсон капитали тараққиёти индекси, унинг таркибига кирувчи компонентлар кўрсаткичлари ҳамда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестициялар даражалари ва динамикалари таҳлил этилган.

Битирув малакавий ишининг учинчи бобида Ўзбекистонда инсон капитали ривожланиши, унинг таркиби, инсон капиталига сармоялар таркиби ва кўрсаткичлари таҳлил этилиб, ўрта муддатда инсон капиталини ривожлантиришнинг муқобил сценарийларига доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

## **I – боб. Инсон капиталининг назарий асослари ва баҳолаш амалиёти**

### **1.1. Инсон капитали тушунчаси, моҳияти ва турлари, инсон капиталига бағишланган илмий концепциялар.**

Инсон капитали бу-даромад келтирадиган инсон қобилиятидир. Инсон капиталининг таянч асосини инсон капитали ташкил этади. У ишчининг махсус таълим, касб-хунарга тайёрлаш ва ишлаб чиқариш тажрибаси асосида тўпланган билимлари, уларни амалга ошириши ва маҳоратини ифодалайди.

Инсон капитали назарияси неоклассик, неокейнсчилик каби назарияларга асосланиб шакллантирилган. Мазкур назарияни вужудга келиши орқали маълум бир иқтисодий, ҳаётий саволлар ўз ечимини топди. Инсоннинг ақлий фаолияти натижаси жамият турмуш тарзи ва иқтисодиёт ривожланишида намоён бўлишини тушуниб етишда турли қарама – қарши фикрлар вужудга келган. Инсон капитали назариясини асосланишига иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг классик ёндашувга эга бўлганлиги ва мазкур мамлакатларда ривожланиш омили этиб инсоннинг лаёқати кўрсатилганлиги туртки бўлди. Иқтисодий ривожланиш омилларини ўрганиш натижаларига кўра ривожланган мамлакатларда ақлий салоҳият талаб этадиган тармоқлар кенг ривожланган. Адам Смит қарашларига кўра, “Ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши энг аввало ҳодимнинг салоҳиятига боғлиқ, кейинги навбатда эса ҳодимнинг иш қуроллари билан қуролланганлигидир”<sup>5</sup>

Инсон капитали тушунчаси иқтисодий категория сифатида босқичма-босқич шаклланган. Инсон капитали тушунчасининг вужудга келишининг илк даврларида мазкур тушунча меҳнатга лаёқат ва кўникма билан чегараланиб қолган. Узоқ вақтлар давомида инсон капитали ижтимоий омил сифатида қаралган, иқтисодий нуқтаи назардан эса таълим-тарбияга инвестиция моддий аҳамият касб этмаганлиги сабабли харажат деб ҳисобланган. XX асрнинг иккинчи ярмига келибгина инсон капитали ва таълимга бўлган муносабат ўзгариб борди.

---

<sup>5</sup> Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – Москва: Эксмо, 2007. С.117

Инсон капитали назарияси ривожланишига иқтисодчи – олимлар Т.Шульц, Г.Беккер, Э.Денисон, Р.Солоу, С.Фишер, Р.Лукас кабилар катта ҳисса қўшганлар.

С. Фишер инсон капитали тушунчасига шундай таъриф беради, “инсонга даромад олиб келиши мумкин бўлган қобилият инсон капиталидир. Инсон капитали туғма қобилият, талант ва шу қаторда ўрганилган (орттирилган) каби классификациялашувга (тасниф) эга.” Мазкур берилган таърифга ҳозирги кунда инсон капитали тушунчасининг тор маънодаги таърифи сифатида қараш мумкин.<sup>6</sup>

Америкалик иқтисодчи Эдвард Денисон Америка иқтисодиётини тубдан ўрганиб чиқди. Денисон фикрига кўра инсон капиталига йўналтирилаётган харажатлар фактори бирламчи омил эмас, балки уларнинг натижавий сифат кўрсаткичлари иқтисодий ўсишнинг асосий омилларидан биридир. Денисон 1929-1982 йиллар оралиғидаги Америка иқтисодиётини таҳлил қилади ва иқтисодиётда ишчи кучи сифатини юқори ўринга қўйади. Денисон изланишлари хулосасига кўра, ишчи кучи сифатини оширишга таъсир кўрсатувчи асосий фактор бу таълим тизими ҳисобланади, яъни таълим тизими инсон капитали шаклланишига таъсир кўрсатувчи асосий омил ҳисобланади.

Фанлар ривожини, ахборотлар алмашинуви ривожланган жамиятнинг вужудга келиши – инсон капитали – билим даражасининг ортиши, маориф, саломатлик, турмуш тарзи сифати ва етакчи мутахассисларнинг мамлакатлар иқтисодиётидаги ўрнини намоён қилди.

Инсон капитали концепцияси америкалик иқтисодчи Г.Беккер томонидан 1960 йилда илгари сурилди ва 1992 йил бу кашфиёт учун Нобель мукофоти совриндори бўлди. “Нобозор ахлоқ ҳам ҳисобга олингандаги инсоний ахлоқ ва ўзаро муносабатлар ҳисобига микроиқтисодий таҳлилнинг асосий моментларини кенгайтирганлиги учун” бу олимга ушбу соврин берилди. Унинг тадқиқотларида классик (мумтоз) пул назарияси ва микроиқтисодий масалалар

---

<sup>6</sup> Fisher I. The Nature off Capital and Income. – L.,1927. – P.62

асосий ўринни эгаллайди. Ж.Б. Сэй, Альфред Маршаллнинг харажат ва таклиф назариялари билан боғлиқ муаммолар ҳам таҳлил этилади. Меҳнат уни ташкил этиш, малака ошириш масалалари Г. Беккер ижодида муҳимдир. У “умумий таълим” ва “махсус таълим” ни ажратади. Биринчиси барча фирмалар учун бир хил фойдали бўлиб, ишчиларнинг меҳнат унумдорлигини оширади, иккинчиси эса ўқишни таъминлаётган фирма унумдорлигини оширишга хизмат қилади ва бу бошқа ўқиш шаклидан устунликка эга бўлади. Рақобат шароитида иш ҳақининг даражаси юқори унумдорликка қараб белгиланади ва барча фирмага тегишлидир. Шу сабабли фирма соф “умумий таълим” ортиқча сарф-харажат тарафдори бўлмайди.

Т. Шульц “Камбағал инсонни фаровонлигини ошириш, ерга, техника воситаларига эмас, балки билими билан боғлиқ” деган ғояни илгари сурган. Унинг асосий тадқиқотлари қишлоқ хўжалиги ва таълим иқтисодиётига бағишланган.

Т. Шульц “Инсон капитали” масаласига алоҳида эътибор беради. Иқтисодчилар одатда физик капитал ва ерга кўпроқ аҳамият бериб, меҳнатга кам эътиборни қаратадилар. Айниқса илмий техника инқилоби даврида капитални ҳосил қилишда, таълим ролини қайта кўриб чиқиш талаб этилди. У 1960 йилда ёзилган мақолада ўқиш давомида йўқотилган фойдани умумий қиримга қўшишни таклиф этди. Т. Шульц АҚШ иқтисодиётида инсон капиталидан олинadиган фойда физик капиталдан ортиқлигини исботлаб берди ва ривожланаётган мамлакатлар таълим, соғлиқни сақлаш ва фан соҳасига йирик инвестициялар ажратишни таклиф қилди. У бу соҳаларни ривожлантириш мамлакатнинг иқтисодий ўсиши учун янги фабрика ва заводлар қуришдан афзалроқ деб ҳисоблади.<sup>7</sup>

Инсон капитали шаклланишида индивиднинг психологик жиҳатлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки инсон капитали намоён бўлишида индивиднинг инсоний фазилатлари (фёъл-атвори, дунёқараши,

<sup>7</sup> Добрынин А., Дятлов С., Коунов В., Курганский С. Производительные силы человека: структура и формы проявления. — СПб.: Из-во СПбУЭФ, 1993 г. — 163 с.

психологияси)дан келиб чиққан ҳолатда индивид ўзида маълум бир туғма ёки орттирилган (ҳаёти давомида ўрганган) қобилиятларни мужассамлаштиради (1.1.1-расм).

1.1.1-расм. *Инсон капиталининг ички тузилиши*<sup>8</sup>



Бугунги кунда кўришимиз мумкинки, инсон капитали назарияси ва амалиётини ўз иқтисодиётида қўллаган АҚШ ва Европанинг етакчи мамлакатлари жадал ривожланиш тенденциясига эга. Масалан, Швеция инсон капитали назарияси асосида ўз иқтисодиётини ислоҳ этди ва 2000 йилга келиб жаҳон иқтисодиётида етакчилар қаторига қўшилди. Финландия ўз тарихида қисқа давр оралиғида инновациялашган иқтисодиётга ўтди ва юқори технологияли рақобатбардош мамлакатга айланди. Инновациялашган иқтисодиёт ва ахборотлашган (ахборот алмашинуви юқори бўлган) жамиятнинг фундаментал асосини инсон капитали яратди.<sup>9</sup>

Инсон капитали индивиднинг имкониятлари билан боғлиқ ва ўзини кўрсатиш имкониятларини инсон капитали базасини халқнинг чуқур маданиятини ташкил қилади.

<sup>8</sup> Макарова Е.О. Человеческий капитал в современной экономике: некоторые теоритический аспекты. – Новосибирск: Институт Экономике РАН, 2012. С 17-43. китоби асосида тузилган.

<sup>9</sup> Kiker B.F. The Historical Roots of the Concept of Human Capital // Journal of Political Economy. 2001. P.486.

Инсон капитали – бу инвестиция натижасида шаклланган индивидларнинг қобилиятлари ва сифатларининг йиғиндиси, меҳнат самарадорлиги ва фойданинг ўсишига олиб келади.

Тор маънода инсон капитали – сифатли ишчи кучини ҳаракатлантирувчи куч сифатида кўринади, унинг фойдалилик даражаси бу инсоннинг, корхонанинг, давлатнинг даромад манбаидир.

Инсон капитали бу – ҳар бир кишининг захирадаги билим ва малакаларидир. Таълим, профессионал тажриба тўплаш, соғлиқни муҳофаза қилиш, ахборотларни тўплаш инсон капиталининг инвестициясидир (манбаидир). Бундай инвестициялар номоддий аҳамиятга эга бўлиб, инсон капиталини шакллантирувчи воситалар ҳисобланади (1.1.2-расм).

*1.1.2 – расм. Инсон капиталини шакллантирувчи воситалар<sup>10</sup>*

<b>Инсон капитали</b>	Фан
	Таълим
	Соғлиқни сақлаш
	Маданият ва санъат
	Информацион хизмат кўрсатиш

Кенг маънода инсон капитали – ўзининг барча кўринишларида инсоний потенциалини намоён қилади, қайсики бу уни ижод этишга йўналтиради.

Инсон капитали узвий тарзда ривожланиб (камол топиб) боради. Бу жараённинг боришида табиий ва ижтимоий инсон капитали бир бутунликда индивидни яъни инсон капиталини шакллантиради (1.1.3-расм).

<sup>10</sup> Макарова Е.О. Человеческий капитал в современной экономике: некоторые теоритический аспекты. – Новосибирск: Институт Экономике РАН, 2012. С 17-43. китоби асосида тузилган.

1.1.3-расм. *Инсон капиталининг узвий тузилиши*<sup>11</sup>



**Табиий инсон капитали** – бу индивиднинг ички фаолияти, унинг шахсий қизиқишлари натижасида шаклланиб борадиган истеъдод (талант), лаёқатларини намоён бўлишидир.

**Ижтимоий инсон капитали** – бу индивиднинг истеъдод ва лаёқатларини жамият билан ижтимоий-иқтисодий муносабатга киришиши натижасида шаклланиб, янада ривожланиб, мукаммаллашиб боришидир.

<sup>11</sup> Макарова Е.О. Человеческий капитал в современной экономике: некоторые теоритический аспекты. – Новосибирск: Институт Экономике РАН, 2012. С 51-77. китоби асосида тузилган.

Индивид маълум босқичлар орқали ўз қобилиятларини инсон капиталига айлантириб боради (1.1.4-расм). Бу босқичлар қуйидаги тарзда мутаносибликда амал қилади:

- Ички фаолият – Ташқи фаолият;
- Табиий қобилият – Ижтимоий қобилият;
- Ишчи кучи – Тадбиркорлик қобилияти;
- Меҳнат – Тадбиркорлик.

Инсон капиталининг иқтисодий категория сифатида ажралган ва ажралмаган турлари мавжуд.

Инсон капиталининг ажралмаган турлари ноликвид капитал деб қаралади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

- Соғлиқ (биофизик) капитал;
- Ахлоқий – маданий капитал;
- Меҳнат капитали;
- Интеллектуал капитал;
- Ташкилий тадбиркорлик капитали.

Инсон капиталининг ажралган турлари ликвид капитал деб ҳисобланиб, қуйидаги турларга бўлинади:

- Ижтимоий капитал;
- Бренд – капитал (мижоз капитали);
- Структуралӣ капитал;
- Ташкилий капитал.


1.1.4-расм. *Шахсий қобилиятларнинг инсон капиталига айланиши*<sup>12</sup>

Инсон қобилиятлари		
Ички фаолият	Ўз қобилиятларини шакллантиришга қаратилган шахснинг фаолият турлари	Ташқи фаолият
Табиий қобилият	Инсон қобилиятлари жамғармасининг турлари (маҳсулдор)	Ижтимоий қобилият
Ишчи кучи	Инсон қобилиятларини айирбошлаш шакллари (товар)	Тадбиркорлик қобилияти
Меҳнат	Инсон қобилиятларини даромад келтириш манбалари (капитал)	Тадбиркорлик
Инсон капитал		

Инсон капиталининг намоён бўлиши жамланган инсон капитал сифатида амалга ошади. Жамланган инсон капитал қуйидаги кўринишга эга бўлади (1.1.5-расм):

<sup>12</sup> Макарова Е.О. Человеческий капитал в современной экономике: некоторые теоритический аспекты. – Новосибирск: Институт Экономике РАН, 2012. С 51-77. китоби асосида тузилган.

1.1.5-расм. Жамланган инсон капитали<sup>13</sup>



<sup>13</sup> Макарова Е.О. Человеческий капитал в современной экономике: некоторые теоритический аспекты. – Новосибирск: Институт Экономике РАН, 2012. С 51-77. китоби асосида тузилган.

## **1.2. Инсон капиталининг миллий иқтисодиётга таъсири Миллий инсон капитали.**

Жаҳон иқтисодиётининг глобализациялашув шароитида ҳар қандай капиталнинг, жумладан инсон капиталининг ҳам мамлакатдан мамлакатга, региондан регионга, шаҳардан шаҳарга оқиб ўтиши рақобатнинг кескинлашуви ва юқори технологияларнинг узвий тарзда ривожланиб боришига туртки бўлади. Буларнинг барчаси турмуш тарзини яхшилаш, иқтисодий билимларнинг такомиллашуви, ахборотлар алмашинувини такомиллаштириш ва ўз навбатида инсон капиталининг инвестициялашуви жараёнининг стабил (бир маромдаги) ривожланишига олиб келади. Аҳолининг маълумот (билим) даражаси, саломатлиги, турмуш тарзи қанчалик юқори даражада бўлса, мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти, рақобатбардошлик даражаси, таълим, соғлиқни сақлаш, ва бошқа турли соҳаларда жаҳон миқёсида етакчилар қаторига қўшилади.

Маълумки, ҳар бир мамлакат ўз аҳолисига эга бўлиб, ўзининг миллий инсон капиталига ҳам эгалик қилади.

Миллий инсон капиталини баҳолашни биринчилардан бўлиб 1988 йилда Америкалик иқтисодчи Р. Лукас амалиётда қўллади. У мамлакатларнинг XX аср сўнгги 10 йиллик кўрсаткичларини ўрганиб чиқди. Ишчи кучларининг қобилиятларини комплекс тарзда баҳолашда “хизматларни баҳолаш” методидан фойдаланди. Ишчилар салоҳияти натижаларини уларнинг маошлари орқали баҳолади. Р.Лукас ўз изланишларида инсон капиталининг иқтисодий ривожланишдаги аҳамиятини кўрсатиб берди. Иқтисодий ва инсон капитали кўрсаткичлари ўзаро тўғри мутаносибликка эга деган хулосага келди.<sup>14</sup>

Яна бир америкалик иқтисодчи Л.Туроу инсон капиталига оид тадқиқотлар олиб боради ва иқтисодий ўсиш, иқтисодиётда даромадлар тақсимоти, ишлаб чиқариш даражаси ва сифати, ижтимоий соҳа каби қатор иқтисодий кўрсаткичлар бевосита инсон капитали билан боғлиқ деган хулосага келади.

---

<sup>14</sup> Lucas R. On the Mechanism of Economic Development // Journal of Monetary Economics. 1988. Vol. 22. P. 3-32.

Л.Туроу фикрига кўра “Инсон капитали концепцияси замонавий иқтисодий изланишларнинг асосини ташкил этади.”<sup>15</sup>

Р.Солоу “Иқтисодий ривожланиш” моделида инсон капиталини иккига ажратади: жисмоний ва ақлий. Мамлакатнинг иқтисодий ривожи жисмоний инсон капиталидан кўра кўпроқ ақлий инсон капиталига боғлиқлигини исботлайди. Ақлий инсон капитали даражаси мамлакатнинг меҳнатга бўлган талабини ўзгартиради. Яъни, техника – технология билан қуролланишни жадаллаштиради.<sup>16</sup> Масалан, Жанубий Корея ишчи кучи сифатини ошириш (ақлий инсон капиталини ривожлантириш) орқали меҳнат бозоридаги ишчи кучига бўлган талабни қондирди ва иқтисодиётнинг жадал ўсиш тенденцияларини қўлга киритган<sup>17</sup>.

**Миллий инсон капитали.** Миллий инсон капитали – мамлакат миллий бойликларининг бир қисми ҳисобланиб, мамлакатнинг инсон капитали саналади.

Миллий инсон капитали ўзида ижтимоий, сиёсий капитал, ақлий салоҳият, миллий рақобат даражаси ва миллат потециалини мужассамлаштиради.

Миллий инсон капитали ривожланаётган мамлакатлар миллий бойликларининг ярмидан ортиғини ташкил этади ва ривожланган мамлакатларда 80-70 % дан ортади.

Жаҳон цивилизациясида ва мамлакатлар ривожланишида миллий инсон капитали ўз ўрнига эга. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, миллий инсон капитали иқтисодиёт ва жамиятнинг асосий ривожлантирувчи омили сифатида қаралади.

Жаҳон банки экспертлари миллий инсон капиталини баҳолашда ҳаражатлар усули билан ёндошади. Инсон капитали шаклланишига таъсир

---

<sup>15</sup> Thurow L. Investment in Human Capital. Belmont, 1970. P.2.

<sup>16</sup> Mankiw G., Romer D., Weil D. F Contribution to the Empirics of Economic Growth // Quarterly Journal of Economics. 1992. № 107 (2). P. 407-437.

<sup>17</sup> Rodrik D. Getting Interventions Right: How South Korea and Taiwan Grew Rich // Economic Policy: A European Forum.

кўрсатувчи давлат, оилалар, тадбиркорлар ва турли фондлар томонидан сарфланган харажатларни таҳлил этадилар. Ҳар йилдаги харажатларни инобатга олган ҳолда жамиятда инсон капиталининг қайта шаклланиши тенденцияларини аниқланади.

XX аср охирига келиб АҚШда инсон капитали қиймати 95 трлн. долларни ёки АҚШ миллий бойлигининг 77%и, умумжаҳон инсон капитали қийматининг 26% ини ташкил этган<sup>18</sup>.

Умумжаҳон инсон капитали қиймати 365 трлн. долларни ёки умумжаҳон бойлигининг 66%и, АҚШ ҳолатига солиштирилганда 384% ни ташкил этган. “Еттилик” ва ЕИЗ мамлакатлари ҳиссасига умумжаҳон инсон капиталининг 59%и тўғри келган<sup>19</sup>.

Хитойда мазкур кўрсаткич 25 трлн. долларни, миллий бойликнинг 77%ини, умумжаҳон инсон капитали қийматининг 7%ини, АҚШ даражасига кўра 26%ни ташкил этди. Бразилияда – 9 трлн. доллар, 74% (миллий бойлик), 2% (умумжаҳон), 9% (АҚШга нисбатан). Ҳиндистонда 7 трлн. доллар, 58% (миллий бойлик), 2% (умумжаҳон), 7% (АҚШга нисбатан). Россияда 30 трлн. доллар, 50% (миллий бойлик), 8% (умумжаҳон), 32% (АҚШга нисбатан)<sup>20</sup>.

Инсон капитали ривожланиш индекси кўрсаткичларини минтақавий тарзда ўрганиладиган бўлса, 2012 йил натижаларига кўра ўрта ҳисобда Европа ва Марказий Осиё минтақасида мазкур кўрсаткич 0,771 га тенг бўлиб минтақавий даражада биринчи ўринни эгаллади. Кейинги ўринларни эса мос равишда Америка 0,741, Шарқий Осиё ва Тинч Океани региони 0,683, Араб мамлакатларида 0,652, Жанубий Осиё 0,558, Африка 0,475 кўрсаткич билан эгаллашган.<sup>21</sup>

Инсон капитали намоён бўлишига кўра актив (ижобий) ва пассив турларга бўлинади.

---

<sup>18</sup> Доклад о человеческом развитии 2013 (UNDP).

<sup>19</sup> Доклад о человеческом развитии 2013 (UNDP).

<sup>20</sup> Доклад о человеческом развитии 2013 (UNDP).

<sup>21</sup> Доклад о человеческом развитии 2013 (UNDP). С.147

Актив (ижобий) инсон капитали – сарфланган инвестицияга мос равишда ривожланиш жараёнига ўз таъсирини кўрсатади. Одатда натижалар аҳоли турмуш тарзини яхшиланиши ва инновацион фаолиятнинг институционал асослари ривожланиши орқали намоён бўлади. Илм-фан тараққий этади, аҳолининг маълумот даражаси, саломатлиги яхшиланиб боради. Инсон капитали сифатини яхшилашга сарфланаётган инвестициялар ўз натижаларини бирданга эмас балки бир неча вақт ўтгандан сўнг намоён қилади.

Иқтисодчи олимлар изланишлари натижаларидан кўриниб турибдики, мамлакат иқтисодиёти ривожда инсон капитали даражаси катта аҳамият касб этади. Инсон капиталини ривожлантириш орқали мамлакатлар иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаб, рақобатбардошлик даражаларини такомиллаштириб боради.

### **1.3. Инсон капиталининг иқтисодий салоҳиятини баҳолаш услуги.**

Инсон иқтисодий субъект сифатида икки қобилиятга эга ҳисобланади: инсоннинг меҳнат қобилияти ва инсоннинг тадбиркорлик қобилияти.

Инсон меҳнат қобилияти ишчи кучидан амалда фойдаланиш жараёнида юзага келиб аниқ ва абстракт ҳамда жисмоний ва ақлий меҳнат турларидан иборат. Киши меҳнат натижасида иш ҳақи олиб тирикчилик қилади. Иқтисодий мантиқга мувофиқ, инсон қанча кўп ва унумли меҳнат қилса, шунча фаровон яшаши керак.

Инсон тадбиркорлик қобилияти - бу ҳар бир кишининг фаол ва мустақил тадбиркорлик ишида ўзининг ишбилармонлик фазилатларини амалга ошириш шакли бўлиб, ишлаб чиқариш омилларни уланишидан самарали фойдаланиш, изчил бошқарув қарорларини қабул қилиш, технологик ва ташкилий-бошқарув янгиликларни ўзлаштириш, таваккалга интилиш ҳамда фойда келтираётган ишни таъминлаш билан боғлиқ инсоннинг иқтисодий қобилиятидир.

Инсон иқтисодий камолоти маълум бир вақт оралиғида шаклланиб боради ва инсонга даромад олиш имкониятини яратади. Иқтисодий камолотга эришишнинг қуйидаги босқичлари мавжуд:

- Капитал сифатидаги инсон қобилиятлари;
- Ишчи кучи сифатидаги инсон;
- Профессионал сифатидаги инсон;
- Тадбиркор сифатидаги инсон;
- Менежер сифатидаги инсон.

Инсон ўзидаги қобилиятларини сезиши ва уни шакллантириб бориши, ҳамда ўз имкониятларини баҳолай олиши натижасида инсон иқтисодий комилликка эришади.

**Капитал сифатидаги инсон қобилиятлари.** Агар “капитал” атамаси ўз эгасига қўшимча қиймат келтирадиган қийматни билдирса, унда “инсон капитали”, бизнинг фикримизча,- бу даромад келтирадиган инсон қобилиятларидир. Инсон капиталининг таянч асосини инсон қобилиятлари ташкил этади. Ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлган одамларнинг шахсий қобилиятлари инсон капиталининг бирламчи иқтисодий таянчи ҳисобланади.

Инсоннинг жисмоний, ақлий, маънавий ва иқтисодий баркамоллигини тавсифловчи фазилатлари негизида уларнинг қобилиятлари шаклланади.

Инсон капиталининг ички тузилиши 3 қатламдан иборат:

- Инсоний фазилатлар;
- Инсоннинг шахсий қобилиятлари;
- Индивидуал инсон капитали.

Инсон капитали дастлаб ажралмас шаклида намоён бўлиб, “индивидуал инсон капитали” кўринишида вужудга келади. Кейинча эса киши бевосита амалий фаолият билан шуғулланиши сари, унинг кўлами кенгайиб, ажралма

шаклидаги “корхона инсон капитали” ривож топади. Ниҳоят у давлат миқёсида сочилиб кетиб, “миллий инсон капитали” шаклида ҳам намоён бўлади.

**Ишчи кучи сифатидаги инсон.** Маълумки ишчи кучи меҳнат қилишга қаратилган жисмоний ва ақлий қобилиятларининг йиғиндисидир. Иқтисодий тарбия натижасида ишлаб чиқаришнинг шахсий – инсоний омили сифатидаги ишчи кучи ҳолатига эришади. Шунинг учун бу йўналишдаги тарбия оила, боғча, мактаб, лицей, колледж, олий ўқув юртларининг диққат-эътиборида бўлиши керак. Чунки киши таваллуд топганидан меҳнатга лаёқатли – 16 ёшига етгани ва касбий таълимни тугатгани билан ишчи кучи сифатида шаклланиб, меҳнат қобилиятига эга бўлиши даркор. Токи меҳнатга лаёқатли ёшига киргандан ва ўқишини тугатгандан кейин малакавий ва унумли иш билан шуғуллана олсин. Шахс болалик ва ёшликдан жисмоний бақувват, интеллектуал ривожланган, меҳнатсевар, ўзига хос касб-хунарга эга бўлиб камол топган тақдирдагина ўз меҳнат қобилиятини шаклланиб мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини кенгайтириш ва келажакда турмушнинг фаровон даражасига эришиш имкониятига эга бўлади.


**Профессионал сифатидаги инсон.** Профессионал сифатидаги инсонни шакллантириш ўзида қуйидаги босқичларни мужассамлаштиради:

- Бирламчи профессионализация ёхуд касб-хунар таълим;
- Иккиламчи профессионализация ёхуд касбий меҳнат фаолияти;
- Учламчи профессионализация ёхуд профессионал илмий-тадқиқот иши.

Бундай таснифлаш шахсни профессионализациялашнинг инновацион моделини яратиш имконини берадики, мазкур модел қуйидаги шаклга эгадир (1.3.1-расм).

**Тадбиркор сифатидаги инсон.** Бу босқичда кишининг иқтисодий фаолияти янги сифатга ўтади. У бизнес таълим ва тарбия натижасида ўзининг

ташаббускорлик, ташкилотчилик, новаторчилик, таваккалчилик ва тижоратчилик фазилатларини ривожлантириб ишлаб чиқаришнинг шахсий – инсоний омили бўлмиш тадбиркорлик қобилиятини шаклланади. Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес фаолияти билан шуғулланишга лаёқатли бўлади. Меҳнат фаолиятини давом эттирган ҳолда тадбиркорлик ишига асос солади. Дастлаб жисмоний шахс сифатида якка тартибда, кейин ҳуқуқий шахс сифатида хусусий корхона очиб тадбиркорлик билан шуғулланади. Бу ҳолатда тадбиркор киши хусусий мулк эгасига айланиб ўз бизнесини ўзи юритади. Натижада тадбиркорлик даромадига эга бўлади. Бу даромад иш ҳақидан бир неча марта кўп бўлиб, уни ҳар куни, ҳар ҳафта, ҳар ой қўлга киритиш мумкин бўлади. Тадбиркор сифатидаги инсон ўзининг ва оиласининг моддий аҳволини янада яхшилаш имкониятига эга бўлади. Солиқларни вақтида ва тўғри тўлаш орқали халқининг ва давлатининг манфаати учун ҳам хизмат қилади. Бундай кишилар иқтисодий камол топган инсонлар тоифасига кирадилар.



**Менежер сифатидаги инсон.** Бу босқичда киши ўз меҳнат ва тадбиркорлик қобилиятларини уйғунлашган ҳолда корпорация тизимида рўёбга чиқаради. Корпорация бизнеснинг энг ривожланган ташкилий шакли бўлиб

<sup>22</sup> Макарова Е.О. Человеческий капитал в современной экономике: некоторые теоритический аспекты. – Новосибирск: Институт Экономике РАН, 2012. С 51-77. китоби асосида тузилган.

унинг ўзига хос хусусияти – мулк эгасидан бошқарувчилик (менежерлик) вазибаларини ажратилганликдадир. Бизнес фаолиятини самарадорлигини ошириш мақсадида корпорацияни ташкил қилган мулкдор, бошқарув ишининг қуйи, ўрта ва юқори поғоналарига менежерлик фазилатларга эга бўлган мутахассисларни ёллайди. Менежерлик лавозимларни эгаллаш учун киши бозор усулида бошқарувчанлик кўникма ва тажрибасига эга бўлиб менежмент бўйича таълим олиши керак. Корпоратив менежер сифатидаги киши акциядорлик жамиятларида шартнома асосида менежерлик лавозимини эгаллаб, бизнес бошқаруви фаолияти билан шуқулланади. Мазкур жамиятнинг фойда олиб ишлашини таъминлайди. У касбий ёлланма менежер сифатида меҳнати учун иш ҳақи олади ва ўз тадбиркорлик қобилиятини самарали рўёбга чиқарганлиги учун акциядорлик жамият кўрган фойдадан муайян фоизда улуш олади. Бу улуш бир ойда юзлаб минг сўмни ташкил қилиши ҳам мумкин. Натижада киши фаровон турмуш кўриш имкониятига эга бўлиб иқтисодий баркамолликка эришади.

Инсон капитали даражаси қуйидаги формула асосида ҳисобланади:

$$ИК = ЖК + МД + АЗ + ИС^{23}$$

Бу ерда:

**ИК** – инсон капитали;

**ЖК** – жисмоний кўрсаткичлар;

**МД** – маънавий даража;

**АЗ** – ақлий заковат;

**ИС** – иқтисодий салоҳият.

**Кишининг иқтисодий нафлилиги.** Бу шахсининг ўз меҳнат ва тадбиркорлик қобилиятини жамият манфаатига рўёбга чиқариш натижасида кўрадиган даромади ҳисобидан инсон эҳтиёжини қондира олиш хусусиятидир.

---

<sup>23</sup> Макарова Е.О. Человеческий капитал в современной экономике: некоторые теоритический аспекты. – Новосибирск: Институт Экономике РАН, 2012. С 51-77. китоби асосида тузилган.

Киши даромадининг эҳтиёжларни қондириш қўлами буйича унинг қуйидаги иқтисодий нафлилик ҳолатларини ажратиш мумкин:

Нафсизлилик – киши ўз эҳтиёжларини қондириш учун умуман ёки етарли миқдор даромадга эга эмас.

Шахсий нафлилик – киши даромади фақат ўзининг эҳтиёжларини қондиришга етади.

Оилавий нафлилик – киши даромади ҳам ўзининг ва ҳам оила аъзоларининг эҳтиёжларини қондиришга етади.

Ижтимоий нафлилик – киши даромади ўзининг ва оиласининг зарурий эҳтиёжларинг қондиришдан ортиб қолади. Даромаднинг бу қисмини у кам таъминланган аҳоли қатламларга ёрдам бериш, ҳомийлик, васийлик ва бошқа хайрия ишларига сарфланади.

Қўшилмаган нафлилик – Киши даромади давлат солиғларни умуман ёки қисман тўламаслик натижасида шаклланади. Шахс ишлаб топган даромадининг кўп қисмини уй-рўзғорга эмас, балки турли ношоиста машғулотлар билан шуғулланишга сарфланади.

Кишининг иқтисодий нафлилик даражасини ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$\text{КИНД} = \text{КД} \div \text{ИС} \times 100\%^{24}$$

Бу ерда:

**КИНД** – кишининг иқтисодий нафлилик даражаси;

**КД** – кишининг йиллик даромади;

**ИС** – ўртача статистик оиланинг йиллик истеъмол саватининг қиймати.

Кишининг иқтисодий нафлилик даражасига хос нафлилик мақомлари мавжуд:

---

<sup>24</sup> Макарова Е.О. Человеческий капитал в современной экономике: некоторые теоритический аспекты. – Новосибирск: Институт Экономике РАН, 2012. С 51-77. китоби асосида тузилган.

- Иқтисодий заиф инсон – таълим олаётганлиги, ишсизлиги, ёш болалилиги, уй бекалилиги ва бошқа сабабларга кўра ишламайдиган; малакаси пастлиги ёки иш ёқмаслиги туфайли кам иш ҳақи оладиган; оила истеъмол саватига 0%дан 25% даромад улушини кўшиб иқтисодий нафсизлилик ҳолатида қарор топган, меҳнат ёшидаги кишидир. Иқтисодий заиф инсон даромади унинг харажатлари даражасидан паст ҳисобланади.
- Иқтисодий салоҳиятли инсон – ўз меҳнат қобилиятини рўёбга чиқариб иш ҳақи ҳисобидан оила истеъмол саватига 26%дан 50% улуш кўшиладиган ҳолда фақат ўзининг эҳтиёжини қондиришига қудрати етадиган кишидир.
- Иқтисодий куч- қудратли инсон – ўз меҳнат қобилияти билан бир қаторга тадбиркорлик қобилиятини ҳам рўёбга чиқариб оила истеъмол саватига 51%дан 100% улуш кўшиладиган ҳолда ўзининг ва оиласининг эҳтиёжларини қондиришга қодир бўлган кишидир.
- Иқтисодий баркамол инсон – болалик ва ёшлик давридан меҳнатсеварлик руҳида тарбия кўрган, ўзига хос касбни эгаллай олган, ўз меҳнат ва тадбиркорлик қобилиятларини жамият манфаати ва халқ фаровонлиги йўлида самарали рўёбга чиқарган ҳолда ўртача статистик оиланинг биттадан кўпроқ истеъмол савати қийматига эквивалент бўлган даромад кўлга киритиб ўзининг ва оиласининг эҳтиёжларини қондирадиган ҳамда кам таъминланган аҳолига ижтимоий кўмаклаштурадиган, камолот чўққисига эришилган кишидир.
- Иқтисодий номукамал инсон – порахўрлик, фирибгарлик, норасмий тадбиркорлик йўли билан даромад кўлга киритадиган, давлат солиқларни қисман ёки умуман тўламасдан даромадга эга бўладиган, ишлаб топган даромадининг кўп қисмини қиморбозлик, нашамандлик, арақхўрлик, фохишабозлик каби ношоиста машғулотларга сарфланиб оила истеъмол саватига арзимас улуш кўшиладиган кишидир.

Инсоннинг иқтисодий баркамоллигини тавсифловчи сифат белгилари мажуд:

- Иқтисодий салоҳиятли инсон – инсон иқтисодий нафлилик меъёри 26-50% оралиғида бўлса;
- Иқтисодий куч – қудратли инсон – инсон иқтисодий нафлилик меъёри 51-100% оралиғида бўлса;
- Иқтисодий баркамол инсон – инсон иқтисодий нафлилик даражаси 101%дан юқори бўлса.

Инсон капитали иқтисодий салоҳиятини бахолаш орқали мамлакат иқтисодий даражаси намоён бўлади.

## Хулоса

Ҳар қандай демократик давлатнинг ривожланишдан асосий мақсади – инсондир. Жамият тараққиёти эса, нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг катталиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналганлиги билан ҳам ўлчанади.

Инсон капитали инсонга даромад келтирувчи қобилияти эканлигини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатлар инсон капиталини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратадилар. Инсон капитали мамлакат иқтисодий ўсиш суръатларига тўғридан – тўғри таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади. Бундан ташқари инсон капитали мамлакат рақобатбардошлик даражасини ҳам ўзида мужассамлаштирида. У ишчининг махсус таълим, касб – ҳунарга тайёрлаш ва ишлаб чиқариш тажрибаси асосида тўплаган билимлари, уларни амалга ошириши ва маҳоратини ифодалайди.

Инсон капитали назарияси асосланишига иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг классик ёндашувга эга бўлганлиги ва мазкур мамлакатларда ривожланиш омили этиб инсоннинг лаёқати кўрсатилганлиги туртки бўлди. Иқтисодий ривожланиш омилларини ўрганиш натижаларига кўра мамлакатларда ақлий салоҳият талаб этадиган тармоқлар кенг ривожланган. Иқтисодчи олимлар томонидан инсон капитали турлича талқин этилган ва ҳар бир қарашда инсон капитали ривожланишининг алоҳида хусусиятлари ёритилиб борилган (А жадвал).

Глобаллашув жараёнида индивидуал инсон капиталини ривожлантириш барча мамлакатларнинг бош мақсадлари этиб белгиланган. Мамлакатларда миллий инсон капитали тараққиёти даражаларини ривожлантириш ва маълум бир дастаклар ёрдамида инсон капиталинига қаратилган сармоялар даражаси ҳамда уларнинг натижавий ҳолатларини янада такомиллаштиришга қаратилган чора – тадбирлар, давлат дастурлари ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Мазкур чора – тадбирлар мамлакатларнинг ўз имкониятларига боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

## Инсон капиталига оид иқтисодчи олимларнинг қарашлари


Иқтисодчи олимлар	Иқтисодчи олимларнинг инсон капиталига оид иқтисодий қарашлари	Иқтисодий қарашларнинг ўзига хослиги
А. Смит (1723-1790)	Ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши аввало ҳодимнинг салоҳиятига боғлиқ, кейинги навбатда эса ҳодимнинг иш қуроллари билан қуролланганлигидир.	Инсонларнинг индивидуал хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилган ва ушбу омил меҳнат унумдорлиги билан боғланган.
Т. Шульц (1902-1998)	Камбағал инсонни фаровонлигини ошириш, ерга, техника воситаларига эмас, балки билими билан боғлиқ.	Инсонларнинг билими даражаси уларнинг даромадлари даражасига боғланган.
Э. Денисон (1915-1992)	Инсон капиталига йўналтирилаётган харажатлар фактори бирламчи омил эмас, балки уларнинг натижавий сифат кўрсаткичлари иқтисодий ўсишнинг асосий омилларидан биридир.	Инсон капиталини ривожлантиришга сарфланаётган харажатларнинг натижавийлигига эътибор қаратилган.
Г. Беккер (1930-2014)	Умумий таълим барча фирмалар учун бир хил фойдали бўлиб, ишчиларнинг меҳнат унумдорлигини оширади, махсус таълим эса ўқишни таъминлаётган фирма унумдорлигини оширишга хизмат қилади ва бу бошқа ўқиш шаклидан устунликка эга бўлади. Рақобат шароитида иш ҳақининг даражаси юқори унумдорликка қараб белгиланади ва барча фирмага тегишлидир. Шу сабабли фирма соф “умумий таълим” ортиқча сарф-харажат тарафдори бўлмайди.	Инсонларнинг касбий лаёқати ва мутахасислик даражаси рақобат шароитида устунликнинг асосий омилларидан этиб кўрсатилади.
С. Фишер (1943 йил)	Инсонга даромад олиб келиши мумкин бўлган қобилият инсон капиталидир. Инсон капитали туғма қобилият, талант ва шу қаторда ўрганилган (орттирилган) каби классификациялашувга (тасниф) эга.	Инсон капитали шаклланишида ички (туғма) ва ташқи (ҳаёти давомида орттирилган) омилларнинг роли ва аҳамияти ёритилади.

## II – боб. Жаҳонда инсон капитали ҳолати, таркиби ва ривожланиш тенденциялари

### 2.1. Тараққий этган мамлакатлар иқтисодиётида инсон капитали

Инсон капитали тарққиёти индекси ҳам мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси ва мақомига мос равишда бўлади. Тараққий этган мамлакатларда инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган инвестициялари ҳажми ҳам шунга мос равишда бўлади. Масалан, тараққий этган мамлакатлардан АҚШ, Канада, Япоиния Германия, Норвегия кабиларда ҳаёт давомийлиги кўрсаткичи юқори даражада бўлиб, 75 йилдан юқори ҳисобланади (2.1.1 расм).

#### 2.1.1-расм. Дунё мамлакатларида инсон ҳаёти давомийлиги кўрсаткичи, 2011 йил<sup>25</sup>



Ҳаёт давомийлиги кўрсаткичи инсон капитали учун муҳим аҳамият касб этувчи кўрсаткич ҳисобланиб, инсон капиталини инвестициялаш жараёни

<sup>25</sup> knoema.com, World Development Indicators (WDI) & Global Development Finance (GDF), April 2013

қийматини ўсишига сабаб бўлади. Ҳаёт давомийлиги кўрсаткичи бевосита соғлиқни сақлаш соҳаси хизматлари сифати билан узвий боғланган кўрсаткичлардан биридир. Тараққий этган мамлакатларда ҳаёт давомийлиги кўрсаткичи ижобий натижага эга. Инсон капиталига инвестиция сифатида ҳаёт давомийлигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатувчи соғлиқни сақлаш соҳасига айрим тараққий этган мамлакатларнинг сарфлаётган харажатларига эътибор берадиган бўлсак. АҚШ соғлиқни сақлаш соҳасига сўнги йилларда ЯИМга нисбатан 17,9%, Канада 11,2%, Германия 11,1%, Япония 9,3% ва Норвегия 9,1% харажат қилган. Тараққий этган мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш соҳасига ажратаётган харажатлари кўрсаткичларини қуйидаги жадвал орқали қуришимиз мумкин (2.1.1-жадвал).

2.1.1-жадвал

**Тараққий этган мамлакатларда соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилаётган харажатлар кўрсаткичлари(ЯИМга нисбатан %да)<sup>26</sup>**


	2000 й.	2005 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.
<b>АҚШ</b>	13,4	15,8	16,2	16,6	17,7	17,6	17,9
<b>Германия</b>	10,4	10,8	10,5	10,7	11,7	11,5	11,1
<b>Норвегия</b>	8,4	9,0	8,7	8,6	9,7	9,2	9,1
<b>Канада</b>	8,8	9,8	10,0	10,3	11,4	11,4	11,2
<b>Япония</b>	7,6	8,2	8,2	8,6	9,5	9,2	9,3

Жадвал маълумотларидан шуни айтиш мумкинки, 2005 йилдаги кўрсаткичга нисбатан ҳар бир мамлакат соғлиқни сақлаш соҳасига ажратаётган харажатлари кўрсаткичлари ўсган, лекин жаҳон молиявий – иқтисодий инқирозидан кейинги уч йил мобайнида фақатгина АҚШ кўрсаткичлари

<sup>26</sup> knoema.com, World Development Indicators (WDI) & Global Development Finance (GDF), April 2013

пасаймаган, қолган мамлакатлар Германия, Норвегия, Канада ва Япония кўрсаткичлари маълум бир даражада пасайган.

**2.1.2-расм. Дунё мамлакатларининг соғлиқни сақлаш соҳаси харажатлари даражаси бўйича таснифланиши, 2011 йил (аҳоли жон бошига, АҚШ долларарида)<sup>27</sup>**




Жаҳон мамлакатларида соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилаётган харажатлар бўйича биринчи ўринни Швейцария эгаллаган бўлиб, аҳоли жон бошига 9121 долларга тенг. АҚШ, Канада, Буюк Британия каби мамлакатлар ҳам жаҳон миқёсида соғлиқни сақлаш соҳасига юқори даражада харажатлар сарфловчи мамлакатлар қаторига киради (2.1.2-расм). Аммо шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, инқироз мазкур соҳа харажатлари даражасига таъсир кўрсатган. Инқироздан сўнг ишсизлик даражасининг ортиши, кўпгина завод ва фабрикаларнинг ишчи ўринларини қисқартиришлари оқибатида бюджет харажатлари таркибида нисбатан қисқартиришлар амалга оширилади ва бу

<sup>27</sup> knoema.com, World Development Indicators (WDI) & Global Development Finance (GDF), April 2013

ҳолат соғлиқни сақлаш соҳасига харажатларига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Фақатгина АҚШ бундан мустасно.

**2.1.3-расм. Айрим мамлакатларнинг таълим соҳаси харажатлари бўйича таснифланиши, 2008 йил (ЯИМга нисбатан %да)<sup>28</sup>**



Инсон капиталига йўналтирилаётган инвестицияларнинг яна бири бу таълим соҳасида ўз аксини топади. Тараққий этган мамлакатлар ҳам таълим соҳасига алоҳида эътибор қаратадилар. Мазкур соҳа ривожланиши орқали мамлакатлар ўзаро рақобатбардошлик даражаларини янада мустаҳкамлаб оладилар. Бугунги кунда кўпгина ривожланаётган мамлакатлар таълим соҳасини ислоҳ этиш ва мазкур соҳани инвестициялаш жараёнларини тараққий этган мамлакатлар тажрибаларига таянган ҳолда амалга оширмоқдалар. Жаҳон амалиётида таълим соҳасига ажратилаётган харажатлар бўйича мамлакатлар беш гуруҳга бўлинади (2.1.3-расм).

Тараққий этган мамлакатларда таълим соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилади. Мазкур соҳага ажратилаётган харажатлар кўлами ва

<sup>28</sup> knoema.com, World Development Indicators (WDI) & Global Development Finance (GDF), April 2013

сифатини юқорилиги сабабли кўпгина тараққий этган мамлакатларда фан сифимкорлиги юқори бўлган техник – технологик соҳаларни ривожлантиришга эришадилар. Бундан ташқари инновацион фаолият даражаси ҳам юқори бўлади. Ишлаб чиқариш соҳасида технологик қуролланганлик даражаси баланд ҳамда ходимларнинг ҳам профессионаллик даражалари ижобий кўрсаткичга эга ҳисобланади. Норвегия, АҚШ, Буюк Британия каби мамлакатлар таълим соҳаси харажатларининг ЯИМдаги улуши нисбатан юқори ҳисобланади (2.1.2-жадвал)

2.1.2-жадвал

### Тараққий этган мамлакатларнинг таълим соҳаси харажатлари<sup>29</sup>

Мамлакатлар	Таълим соҳаси харажатлари (ЯИМга нисбатан %да)	
	2000 йил	2005-2010 йиллар.
Норвегия	6,6	7,3
АҚШ	-	5,4
Германия	-	4,6
Япония	3,7	3,8
Буюк Британия	4,5	5,6

Жадвал маълумотларига кўра, мамлакатлар 2005-2010 йиллар оралиғидаги муддатдаги ўрта ҳисобда таълим соҳасига ажратаётган харажатлари 2000 йилдаги кўрсаткичдан юқори даражага кўтарилган. Тараққий этган мамлакатларда таълим соҳасисининг қай даражада ўрин эгаллаган эканлигини аниқлаш учун аҳолининг саводхонлик даражаси кўрсаткичлари янада ойдинлик киритади (2.1.3-жадвал).

<sup>29</sup> knoema.com, World Development Indicators (WDI) & Global Development Finance (GDF), April 2013

**Тараққий этган мамлакатларда бошланғич таълим ёшидагиларнинг  
мазкур таълимга жалб этилганлиги даражаси<sup>30</sup>**

	<i>2006 й.</i>	<i>2007 й.</i>	<i>2008 й.</i>	<i>2009 й.</i>
<b>Германия</b>	99,7	99,88	99,72	99,69
<b>Буюк Британи</b>	99,76	98,43	99,83	99,81
<b>Норвегия</b>	98,65	98,93	99,03	98,98
<b>АҚШ</b>	96	97,27	97,69	96,86
<b>Япония</b>	99,99	99,97	99,96	99,98

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида шуни айтиш мумкинки, тараққий этган мамлакатларда бошланғич мактаб ёшидаги болаларнинг деярли барчаси таълимга жалб этилган. 2008 йида юз берган жаҳон молиявий – иқтисодий инқирозидан сўнг фақатгина Японияда бошланғич таълимга жалб этилганлик даражаси ўсиш тенденциясини ёқотмаган, қолган мамлакатларда эса мазкур кўрсаткич пасайган. Экспертларнинг фикрига кўра аксарият қолган болалар ўз уйларида таълим оладилар ва шунинг ҳисобига нисбатан пасайиш намоён бўлган.

Тараққий этган мамлакатларда инсон капиталини ривожлантиришга ажратиладиган харажатлар қай даражада натижа бераётганини сўнги йиллардаги статистик кўрсаткичлар орқали кўришимиз мумкин бўлади (2.1.4-жадвал).

<sup>30</sup> knoema.com, World Development Indicators (WDI) & Global Development Finance (GDF), April 2013

**Инсон капитали тараққиёти индекси компонентлари кўрсаткичлари<sup>31</sup>**

	<b>Ҳаёт давомийлиги (йилда) 2012 й.</b>	<b>Таълим олиш давомийлиги (йилда) 2011 й.</b>	<b>ЯММ аҳоли жон бошига (АҚШ доллари) 2012 й.</b>
<b>Австралия</b>	82,0	19,6	34340
<b>Норвегия</b>	81,3	17,5	48688
<b>АҚШ</b>	78,7	16,8	43480
<b>Нидерландия</b>	80,8	16,9	37282
<b>Германия</b>	80,6	16,4	35431

Жадвалда 2012 йилда инсон капитали тараққиёти индекси бўйича энг юқори кўрсаткичга эга бўлган биринчи бешта мамлакат кўрсаткичлари келтириб ўтилган. Маълумотлар шуни кўрсатадики ҳаёт давомийлиги ҳамда таълим олиш давомийлиги бўйича Австралия етакчи ўринда бўлгани билан, аҳоли жон бошига ЯИМнинг улуши бўйича Норвегия етакчи ўринда. Жадвал маълумотларидан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, инсон капиталининг ривожланиш индекси бевосита унга таъсир этувчи компонентларнинг сифати билан боғлиқдир.

<sup>31</sup> Доклад о человеческом развитии 2013 (UNDP). С.144

**Тараққий этган мамлакатларда инсон капитали тараққиёти индекси,  
2013 йил<sup>32</sup>**

<b>Мамлакат</b>	<b>Кўрсаткичлар</b>	<b>Жаҳондаги ўрни</b>
<b>Германия</b>	1,109	6
<b>Норвегия</b>	1,104	7
<b>Буюк Британия</b>	1,042	8
<b>Канада</b>	0,987	10
<b>Япония</b>	0,948	15
<b>АҚШ</b>	0,920	16

Тараққий этган мамлакатлар инсон капитали тараққиёти индекси даражасини юқоридаги жадвал орқали кўришимиз мумкин (2.1.5-жадвал). Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики тараққий этган мамлакатларда инсон капитали ривожланиш индекси юқори даражада. Инсон капиталини ривожлантиришга сарфланаётган харажатлар ўз таъсирини бермоқда.

**2.2. БРИКС мамлакатларида инсон капитали кўрсаткичлари  
ривожланиш тенденциялари**

БРИКС (BRICS) – халқаро миқёсда жадал ривожланиш тенденциясига эга бўлган мамлакатлар гуруҳи ҳисобланиб, мазкур гуруҳ куйидаги мамлакатлардан ташкил топган: Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой ва ЖАР.


<sup>32</sup>Манба: Всемирныйэкономическийфорум:Рейтингстранмирапоуровнюразвитиячеловеческого капитала 2013 года. [Электронный ресурс] // Центр гуманитарных технологий.URL:<http://gtmarket.ru/news/2013/10/02/6282>

БРИКС гуруҳи мамлакатларининг умумий аҳолиси дунё аҳолиси улушининг 40 %ни ташкил этади. Мазкур гуруҳ мамлакатлари иқтисодий ривожланиши сўнги 10 йил ичида 4,2 баробар ўсди.<sup>33</sup>

Мамлакатларнинг иқтисодий ўсиш суръати реал ЯИМ ҳажмининг ўзгаришини кузатиш орқали аниқланади. Одатда йиллик 3-4% ўсиш яхши натижа бўлиб ҳисобланади ва кўплаб мамлакатлар ўз олдиларига ушбу мақсадни қўядилар. БРИКС мамлакатларининг иқтисодий ўсишига баҳо бериш мақсадида уларнинг реал ЯИМ динамикасини кўриб чиқамиз (график 2.2.1).

График 2.2.1

**БРИКС мамлакатларида реал ЯИМ динамикаси 2001-2012(17\*)й. (%)<sup>34</sup>**



Графикда келтирилган маълумотлардан кўришиб турибдики, БРИКС мамлакатлари иқтисодий ривожланиш тенденциясига эга. 2008 йилги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози БРИКС мамлакатларига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Натижада айрим мамлакатларнинг реал ЯИМ кўрсаткичлари 2009 йилга келиб салбий кўрсаткичларга тушиб кетди, масалан, Россия -7,82%, ЖАР - 1,54% ва Бразилия -0,33%. Лекин инқироз шароитига қарамай Хитой ва

<sup>33</sup> Chitour C. E. Les BRICS et la construction du nouveau monde (BRICS countries in the construction of the new world) // L'Expression. 2012-[http://www.lexpressiondz.com/chroniques/analyses\\_du\\_professeur\\_chitour/151202-une-utopie-a-notre-portee.html](http://www.lexpressiondz.com/chroniques/analyses_du_professeur_chitour/151202-une-utopie-a-notre-portee.html)

<sup>34</sup> [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org)

Ҳиндистон мамлакатлари иқтисодий ривожланиши ижобий натижага эга бўлди, Хитой 9,20%, Ҳиндистон 8,24%. Мазкур гуруҳ вакиллари инқироздан кейинги сўнги 5 йил давр ичидаги реал ЯИМ ривожланиши кўрсаткичлари қуйидаги жадвалда келтириб ўтиган (2.2.1-жадвал).

2.2.1-жадвал.

**БРИКС мамлакатларинг инқироз давридан кейинги 5 йил  
мобайнидаги реал ЯИМ кўрсаткичлари (%)<sup>35</sup>**

	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
<b>Бразилия</b>	5,17	-0,33	7,53	2,73	1,00
<b>Россия</b>	5,25	-7,82	4,34	4,34	3,40
<b>Ҳиндистон</b>	3,89	8,24	9,55	6,86	3,20
<b>Хитой</b>	9,60	9,20	10,40	9,30	7,8
<b>ЖАР</b>	3,62	-1,54	2,89	3,12	2,6

Жадвал маълумотлари шунини кўрсатадики инқироз давридан кейинги беш йил муддат оралиғида БРИКС мамлакатлари реал ЯИМ кўрсаткичлари 2008 йилдаги кўрсаткичга нисбатан пасайган. Ҳиндистон иқтисодиётида 2010 йилга қадар юксалиш намоён бўлган ва энг юқори кўрсаткич шу йили кўзга ташланиб, 2011 йилдан эса кўрсаткичлар пасая бошлаган. Сўнги беш йил мобайнида гуруҳ таркибига кирувчи мамлакатлар иқтисодиёти тебранувчан циклга эга бўлиб, иқтисодий ўсиш кескин ўзгарувчан хусусиятга эга, яъни ривожланиш кўрсаткичлари бир маромда эмас.

Жаҳон банки маълумотларига кўра БРИКС мамлакатлари орасида Хитой ЯИМ кўрсаткичи 7298,097 млрд. долларга тенг (2011 йил) бўлиб, мазкур гуруҳ вакиллари орасида етакчи ўринни эгаллаган, кейинги ўринларни эса Бразилия, Россия, Ҳиндистон ва ЖАР банд этган (2.2.2-жадвал).

<sup>35</sup> www.worldbank.org

**БРИКС мамлакатларининг ЯИМ кўрсаткичлари (2011 йил)**<sup>36</sup>

Мамлакат	Ўрни (БРИКС)	Ўрни (жаҳонда)	ЯИМ кўрсаткичи ( млрд. долл.)	БРИКС мамлакатлари умумий ЯИМдаги улуши (%)
Хитой	1	2	7298,097	52,55
Бразилия	2	6	2476,652	17,83
Россия	3	9	1857,770	13,38
Ҳиндистон	4	10	1847,982	13,31
ЖАР	5	27	408,237	2,94

БРИКС мамлактлари ЯИМ кўрсаткичларини умумий олинганда мазкур гуруҳ ЯИМнинг 52%дан зиёдроқ қисми Хитой улушига тўғри келиб, Хитой ЯИМ ҳажми бўйича жаҳонда иккинчи ўринни эгаллаган. Гуруҳ вакиллари жаҳонда ЯИМ ҳажми бўйича биринчи ўнталик таркибига киришади, фақатгина ЖАР бундан мустасно.

БРИКС мамлакатлари иқтисодий салоҳияти ижобий натижага эга эканлиги юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибди. Гуруҳ вакилларидаги демографик ҳолат ҳам жаҳон миқёсида сезиларли аҳамият касб этади. Демографик ҳолат бўйича Россияда сўнги йиллар мобайнида турғунлик ҳолати намоён бўлмоқда. Бундай жараён кейинчалик Россия аҳоли сонининг камайишига олиб келиши эҳтимоли ҳам мавжуд. Қолган гуруҳ вакилларида аҳоли сони маълум бир нисбатларда йилдан йилга ўсиб бормоқда (2.2.3-жадвал).

<sup>36</sup> <http://data.worldbank.org/indikator/NY.GDP.VRTP.CD>

**БРИКС мамлакатларида аҳоли сони кўрсаткичлари****(йил бошида, млн.киши)<sup>37</sup>**

	2000 й.	2005 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
<b>Бразилия</b>	170	181	187	189	191	192	193
<b>Россия</b>	147	144	143	143	143	143	143
<b>Ҳиндистон</b>	-	1101	1150	1166	1182	1210	-
<b>Хитой</b>	1263	1304	1325	1331	1338	1344	1351
<b>ЖАР</b>	44	47	49	49	50	51	-

БРИКС мамлакатлари инсон капиталини ривожлантириш мақсадида инсон капиталига инвестиция сифатида ҳаёт давомийлигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатувчи соғлиқни сақлаш соҳасига сарфлаётган харажатларини кўриб чиқадиган бўлсак (2.2.4-жадвал).

**БРИКС мамлакатларининг соғлиқни сақлаш соҳасига ажратаётган харажатлари (ЯИМга нисбатан % да)<sup>38</sup>**

	2000 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
<b>Россия</b>	2,2	3,7	3,6	4,2	3,7	4,3	3,7	3,5	3,7
<b>Ҳиндистон</b>	1,19	1,27	1,25	1,22	1,31	1,36	1,35	1,3	-
<b>Хитой</b>	4,75	4,68	4,55	4,35	4,63	5,15	4,98	5,15	-

<sup>37</sup> Манба: BRICS joint statistical publication 2013<sup>38</sup> Манба: BRICS joint statistical publication 2013

Жадвалда келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, мазкур гуруҳ вакиллари соғлиқни сақлаш соҳаси харажатлари йилдан йилга маълум бир даражада ортиб бормирқда бу эса ўз навбатида инсон капиталига қаратилаётган инвестициялар улуши ортиб бораётганини кўрсатади. Соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилаётган харажатлар инқироз давридан кейин 2010 йилга келиб нисбатан пасайганлигини кўришимиз мумкин. Аммо шуни таъкидлаш жоизки мамлакатларда соғлиқни сақлаш соҳаси харажатлари ўсиш тенденциясига эга.

Соғлиқни сақлаш соҳасидан ташқари мамлакатларда таълим соҳасига ҳам алоҳида эътибор берилади. Чунки таълим соҳаси ҳам инсон капиталини ривожланишига таъсир кўрсатувчи соҳалардан саналади. Мамлакатлар таълим соҳасини инвестициялаш орқали кадрлар салоҳиятини ривожлантиришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйадилар. Мазкур соҳага ажратилаётган харажатлар мамлакатлар иқтисодиётига таъсирини маълум бир йиллардан сўнг кузатиш мумкин бўлади. БРИКС мамлакатлари таркибида ЖАР таълим соҳасига ажратилаётган харажатларнинг ЯИМдаги улушига кўра етакчи ўринни эгаллайди. 2009 йилдан кейинги даврда Россияда ва 2011 йилда эса Ҳиндистонда таълим соҳасига ажратаётган харажатларда нисбатан пасайиш намоён бўлган (2.2.5-жадвал).

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, БРИКС мамлакатлари таълим соҳасига ажратаётган харажатлари сўнги йиллар мобайнида ўсиш тенденциясига эга (2.2.5-жадвал). Бу ҳолат ўз навбатида мамлакатларнинг рақобатбардошлик даражасини ортишига сабаб бўлади. Мазкур гуруҳ вакиллари бу орқали жаҳонда иқтисодий жиҳатдан ўз мавқеларини мустаҳкамлаб оладилар. Бу борада БРИКС мамлакатлари таркибида Хитой етакчилиқни қўлга киритган бўлиб, жаҳон миқёсида 26 ўринни эгаллайди ва рақобатбардошлик индекси 4,9 га тенг (2.2.6-жадвал).

**БРИКС мамлакатларининг таълим соҳасига ажратаётган харажатлари  
кўрсаткичлари (ЯИМга нисбатан%да)<sup>39</sup>**

	2000 йил	2005 йил	2006 йил	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
<b>Бразилия</b>	3,5	3,7	3,8	4,1	4,3	-	-	-	-
<b>Россия</b>	3,5	3,7	3,8	4,0	4,0	4,6	4,1	4,0	4,1
<b>Ҳиндистон</b>	2,9	2,8	2,7	2,6	2,9	3,1	3,3	3,1	-
<b>Хитой</b>	2,8	2,8	3,0	3,2	3,3	3,6	3,7	3,9	-
<b>ЖАР</b>	5,8	6,1	6,4	6,8	7,9	9,3	10,1	-	-

**БРИКС мамлакатлари рақобатбардошлик индекси кўрсаткичлари  
2012 йил<sup>40</sup>**

Мамлакат	Ўрни (БРИКС)	Ўрни (жаҳонда)	Индекс кўрсаткичи
<b>Хитой</b>	1	26	4,9
<b>ЖАР</b>	2	50	4,34
<b>Бразилия</b>	3	53	4,32
<b>Ҳиндистон</b>	4	56	4,3
<b>Россия</b>	5	66	4,21

БРИКС мамлакатлари ҳиссасига дунё аҳолисининг катта улуши тўғри келишини ҳисобга олган ҳолда мамлакатлардаги инсон капитали

<sup>39</sup> Манба: BRICS joint statistical publication 2013

<sup>40</sup> [www.weforum.org/WEF\\_GCR\\_CompetitivenessIndexRanking\\_2011-12.pdf](http://www.weforum.org/WEF_GCR_CompetitivenessIndexRanking_2011-12.pdf)

кўрсаткичларини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Статистик маълумотларга қараганда Бразилияда 193 млн.(2012 й.), Россияда 143,2 млн.(2012 й.), Ҳиндистонда 1210 млн.(2011й.) Хитойда 1351 млн.(2012 й.) ва ЖАРда 51 млн.(2011 й.)<sup>41</sup> аҳоли истиқомат қилади.

БРИКС мамлакатлари инсон капиталини ривожлантиришга йўналтираётган инвестициялари мазкур мамлакатларда инсон капитали ривожланиши индекси ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Бу эса мазкур гуруҳ вакиллари учун олдинга қўйилган мақсадларни ҳал этиш йўлини очиб беради. БРИКС мамлакатларида инсон капитали ривожланиши индекси кўрсаткичларини қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин (2.2.7-жадвал).

2.2.7-жадвал

**БРИКС мамлакатларида инсон капитали тараққиёти индекси  
кўрсаткичлари<sup>42</sup>**

	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.
<b>Бразилия</b>	0,695	0,698	0,702	0,714	0,716	0,718	0,718
<b>Россия</b>	0,725	0,733	0,742	0,748	0,747	0,753	0,755
<b>Ҳиндистон</b>	0,504	0,512	0,523	0,527	0,535	0,542	0,547
<b>Хитой</b>	0,633	0,644	0,656	0,665	0,674	0,683	0,687
<b>ЖАР</b>	0,599	0,601	0,604	0,608	0,610	0,619	0,629

Жадвал маълумотларига асосланиб шуни айтиш мумкинки, БРИКС мамлакатларида инсон капитали ривожланиш индекси кўрсаткичлари ўсиш тенденциясига эга ва мазкур кўрсаткич бўйича Россия 0,755 кўрсаткич билан етакчилик қилмоқда.

<sup>41</sup> Манба: BRICS joint statistical publication 2013

<sup>42</sup> [www.weforum.org/WEF\\_GCR\\_CompetitivenessIndexRanking\\_2011-12.pdf](http://www.weforum.org/WEF_GCR_CompetitivenessIndexRanking_2011-12.pdf)

## 2.3. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида инсон капиталининг ривожланиши кўрсаткичлари

СССР парчаланиши натижасида унинг таркибига кирган катор мамлакатларда ўзига яраша иқтисодий-ижтимоий муаммолар юзага кела бошлади. Мамлакатлардаги аҳоли сони, уларнинг турмуш тарзи билан боғлиқ вазиятлар чигаллашди, масалан, Белоруссия, Россия, Украина каби мамлакатларда аҳоли сони камайиши кўзга ташланди (2.3.1-жадвал).

2.3.1-жадвал

### Мамлакатларда аҳоли сони кўрсаткичлари (йил бошида, млн.киши)<sup>43</sup>

	2001 й.	2006 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.	2013 й.
<b>Белоруссия</b>	10,0	9,6	9,5	9,5	9,5	9,5	9,5
<b>Россия</b>	146,3	142,8	141,9	141,9	142,9	143,0	143,3
<b>Украина</b>	48,7	46,7	46,0	45,8	45,6	45,5	45,4
<b>Қозоғистон</b>	14,9	15,2	16,0	16,2	16,4	16,7	16,9

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, юқорида номлари келтириб ўтилган мамлакатларда 2001 йилги кўрсаткичга нисбатан аҳоли сонининг камайиши кўзга ташланади. Фақатгина Қозоғистонда аҳоли сони ўсиш тенденциясига эга бўлиб келмоқда. Россияда 2011 йилдан нисбатан аҳоли сони жонланиши кўзга ташланади. Украинада мазкур ҳолат фақат салбий натижа кўрсатмоқда.

Аҳоли сони ортиши ёки камайиши инсонларнинг ҳаёти давомийлиги кўрсаткичи билан боғлиқ саналади. Инсонларнинг ҳаёти давомийлиги кўрсаткичи бўйича юқоридаги мамлакатларда ижобий натижа кузатилади. 2012

<sup>43</sup> Содружество Независимых Государств в 2012 году: Статистических ежегодник // межгосударственный статистический комитет СНГ. – Москва 2013

йилга келиб Белоруссияда мазкур кўрсаткич 72,2 йил, Украинада 71,2 йил, Россияда 69,8 йил ва Қозоғистонда 69,8 йилга тенг бўлди. Мазкур кўрсаткич аввалги йилларга нисбатан ижобий натижа беради (2.3.2-жадвал). Аммо шуни таъкидлаш жоизки, 2000 – 2005 йиллар оралиғида Белоруссия, Россия ва Украинада эркаклар ҳаёти давомийлиги кўрсаткичи нисбатан пасайган. Аёллар ҳаёти давомийлиги эса фақатгина ижобий тенденцияга эга бўлиб келмоқда.

2.3.2-жадвал.

### Инсон ҳаёти давомийлиги кўрсаткичи<sup>44</sup>

	Умумий			Эркаклар			Аёллар		
	2000 йил	2005 йил	2012 йил	2000 йил	2005 йил	2012 йил	2000 йил	2005 йил	2012 йил
<b>Белоруссия</b>	69,0	68,8	72,2	63,4	62,9	66,6	74,7	75,1	76,6
<b>Россия</b>	65,3	65,3	69,8	59,0	58,9	64,0	72,2	72,4	75,6
<b>Украина</b>	67,9	68,0	71,2	62,4	62,2	66,1	73,6	74,0	76,0
<b>Қозоғистон</b>	65,5	65,9	69,6	60,2	60,3	64,8	71,2	71,8	74,3

Жадвал маълумотлари орқали шуни айтиш мумкинки, сўнги йилларда мазкур мамлакатларда инсон ҳаёти давомийлиги кўрсаткичи ижобий, яъни ўсиш тенденциясига эга. Бундай натижага эришиш йўлида ҳар бир мамлакат маълум даражада харажатларни талаб қилади. Инсон капиталини ривожлантиришга қаратилаётган харажатлар ҳар бир мамлакатнинг ЯИМ ҳажмидан маълум бир қисми ажратилиши орқали амалга оширилади. Мамлакатнинг ЯИМ ҳажми қанчалик катта ёки аксинча бўлиши, инсон капиталини ривожлантиришга ажратилаётган харажатларнинг ҳажми билан ўзаро тўғри пропорционал ҳисобланади. Мамлакатларнинг сўнги 3 йиллик

<sup>44</sup> Ўша манба

ЯИМ ҳажми динамикасини қуйидаги жадвал маълумотлари орқали кўриб чиқамиз (2.3.3-жадвал).

2.3.3-жадвал.

### Мамлакатларнинг ЯИМ кўрсаткичлари

(% ҳисобида)<sup>45</sup>

	2010 йил	2011 йил	2012 йил
<b>Белоруссия</b>	107,7	105,5	101,5
<b>Россия</b>	104,5	104,3	103,4
<b>Украина</b>	104,1	105,2	100,2
<b>Қозоғистон</b>	107,3	107,5	105,0

Инсон ҳаёти давомийлиги кўрсаткичи инсон капитали учун муҳим аҳамият касб этувчи кўрсаткич ҳисобланиб, инсон капиталини инвестициялаш жараёни қийматини ўсишига сабаб бўлади. Инсон капиталига инвестиция сифатида ҳаёт давомийлигига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатувчи соғлиқни сақлаш соҳасига сарфланаётган харажатларга эътибор берадиган бўлсак. Мазкур мамлакатлар ЯИМ ҳажмидан маълум бир даражада соғлиқни сақлаш соҳасига тиббий хизматлар сифатини яхшилаш, замонавий техника ватехнологияларни жорий этиш, замон талабларига мос равишда ривожлантириш мақсадида маблағ ажратадилар (2.3.4-жадвал).

2005 – 2010 йиллар мобайнида ўрта ҳисобда МДҲ мамлакатлари орасида Молдова соғлиқни сақлаш соҳаси харажатлари бўйича ЯИМга нисбатан 5,4% кўрсаткич билан юқори ўринни эгаллаган. Кейинги ўринларни Украина (4,4%),

---

<sup>45</sup> Ўша манба

Белоруссия (4,4%), Қирғизистон (3,5%) ва бошқа мамлакатлар эгаллаган (2.3.1-расм).

2.3.4-жадвал

**Мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш соҳасига ажратаётган  
харажатлари (% ҳисобида)<sup>46</sup>**

	2005 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
<b>Белоруссия</b>	-	-	2,8	2,9	2,4	2,8
<b>Россия</b>	2,6	2,9	3,5	3,2	3,2	3,3
<b>Украина</b>	3,2	3,1	3,8	3,9	3,5	3,9
<b>Қозоғистон</b>	-	-	-	1,7	4,3	1,7


Инсон капиталига йўналтирилаётган инвестицияларнинг яна бири бу таълим соҳасида ўз аксини топади. БМТ ташкилотининг “Минг йиллик ривожланиш дастури” тадқиқотларига кўра МДҲ мамлакатлари ичида Ўзбекистон таълим сифатининг қониқарлилик даражаси бўйича етакчи ўринни эгаллайди. Кейинги ўринларни Тожикистон, Туркменистон, Грузия ва бошқа мамлакатлар эгаллайди (2.3.2-расм).

Таълим соҳасига қилинаётган харажатлар маълум бир муддат ўтгандан сўнг натижа беради. Мазкур соҳа хизмати сифатини ошириш, замон талабларига мос равишда техник-технологик базасини яратиш ҳамда шарт – шароитларни яхшилаш орқали мамлакатлар келажакда рақобатбардошлик даражаларини мустаҳкамлашга эришадилар. 2005-2010 йиллар оралиғида ўрта ҳисобда таълим соҳасига ажратилаётган харажатлар бўйича МДҲ мамлакатлари орасида Молдова ЯИМга нисбатан 9,1% кўрсаткич билан етакчилик қилмоқда, кейинги ўринларни Қирғизистон (6,2%), Украина (5,3%), Беларуссия (4,5%), Россия (4,1%) ва бошқа мамлакатлар эгаллаган (2.3.3-расм).

<sup>46</sup> Ўша манба


2.3.1-расм

**2005-2010 йиллар мобайнида ўрта ҳисобда мамлакатларнинг соғлиқни сақлаш соҳаси харажатлари (ЯИМга нисбатан %да)<sup>47</sup>**



2.3.2-расм

**МДХ мамлакатларида таълим сифатининг қониқарлилик даражаси (%да)<sup>48</sup>**



<sup>47</sup> Всемирные доклады о человеческом развитии ПРООН 2010-2012 годов. – Сайт ПРООН (<http://hdrstats.undp.org>).

<sup>48</sup> Всемирные доклады о человеческом развитии ПРООН 2010-2012 годов. – Сайт ПРООН (<http://hdrstats.undp.org>).

**2005-2010 йиллар мобайнида ўрта ҳисобда мамлакатларнинг таълим соҳаси харажатлари (ЯИМга нисбатан %да)<sup>49</sup>**




График маълумотларига қараганда Беларуссия, Украина ва Россия таълим соҳаси харажатлари халқаро нормаларга жавоб беради, аммо Қозоғистоннинг таълим соҳасига ажратаётган харажатлари нисбатан ортда қолмоқда. Юқорида номлари келтирилган мамлакатларнинг таълим соҳаси харажатлари ҳажмини қуйидаги жадвал орқали кўришимиз мумкин (2.3.5-жадвал).

Жадвал маълумотларига қараганда 2012 йилда таълим соҳаси харажатлари (ЯИМга нисбатан) Беларуссияда 3,8%, Россияда 2,5%, Украинада 5,2% ва Қозоғистонда 3,1% га тенг бўлган. мамлакатларда 2005-2010 йил оралиғида ўрта ҳисобда таълим соҳасига ажратилган ҳаражатларга нисбатан 2012 йилда пасайиш кузатилган.

<sup>49</sup> Всемирные доклады о человеческом развитии ПРООН 2010-2012 годов. – Сайт ПРООН (<http://hdrstats.undp.org>).

**Мамлакатларнинг таълим соҳасига ажратаётган харажатлари  
(ЯИМга нисбатан % ҳисобида)<sup>50</sup>**

	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил
<b>Белоруссия</b>	-	3,7	4,3	3,8	3,8
<b>Россия</b>	2,4	2,9	2,7	2,5	2,5
<b>Украина</b>	4,4	5,4	5,2	4,8	5,2
<b>Қозоғистон</b>	-	-	3,2	3,2	3,1

Жадвал маълумотларига қараганда 2012 йилда таълим соҳаси харажатлари (ЯИМга нисбатан) Беларуссияда 3,8%, Россияда 2,5%, Украинада 5,2% ва Қозоғистонда 3,1% га тенг бўлган. мамлакатларда 2005-2010 йил оралиғида ўрта ҳисобда таълим соҳасига ажратилган харажатларга нисбатан 2012 йилда пасайиш кузатилган.

Белоруссия, Россия, Украина ва Қозоғистонда инсон капиталини ривожлантириш учун сарфланаётган харажатлар ижобий натижа бермоқда 2013 йилда барча мамлакатларда аввалги йилга нисбатан инсон капитали ривожланиши индекси ортди. 2013 йилда инсон капитали ривожланиши индекси кўрсаткичи Беларуссияда 0,793 (0,008), Россияда 0,788 (0,006), Украинада 0,740 (0,007) ва Қозоғистонда 0,754 (0,010) га тенг бўлди<sup>51</sup>. Мамлакатларда инсон капиталини ривожлантириш мақсадида сарф этилаётган харажатлар ўзини оқлаётгани мазкур кўрсаткичларда намоён бўлади (2.3.6-жадвал).

<sup>50</sup> Содружество Независимых Государств в 2012 году: Статистических ежегодник // межгосударственный статистический комитет СНГ. – Москва 2013

<sup>51</sup> Human Development Report 2013 // United Nations Development Programme (2013).

**Инсон капитали тараққиёти индекси<sup>52</sup>**

	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 йил	2013 йил
<b>Белоруссия</b>	-	-	-	0,785	0,793
<b>Россия</b>	0,751	0,753	0,755	0,782	0,788
<b>Украина</b>	0,753	0,753	0,755	0,733	0,740
<b>Қозоғистон</b>	0,742	0,744	0,750	0,754	0,754

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, Беларуссия, Россия ва Қозоғистонда инсон капитали тараққиёти индекси ривожланиш тенденциясига эга, Украинада эса мазкур ҳолат циклик тебраниш хусусияти мавжуд.

---

<sup>52</sup> Human Development Report 2013 // United Nations Development Programme (2013).

## Хулоса.

Бугунги кунда ҳар бир мамлакат ўзининг иқтисодий мақомидан қатъий назар маълум бир даражада ўзлари эгалик қилаётган миллий инсон капитали тараққиёти даражасини такомиллаштиришга катта эътибор қаратадилар. Ҳар бир мамлакат ўз ижтимоий – иқтисодий сиёсатидан келиб чиққан ҳолда инсон тараққиёти индекси компонентларини даражасини ривожлантириш учун ЯИМдан тегишли соҳаларга харажатлар ажратиб борадилар.

Дунё аҳолиси сонининг ортиб бориши инсонларнинг ҳаёти давомийлиги билан узвий боғлиқ саналади. Тараққий этган мамлакатларда мазкур кўрсаткич 70 йилдан юқори ҳисобланади. Бу ҳолат ижобий ҳолат бўлиб, соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилаётган харажатларнинг натижасини ўзида намоён қилади. Сўнги йилларда тарққий этган мамлакатларда соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилаётган харажатлар ЯИМга нисбатан 9 – 18% оралиғида бўлиб келмоқда. Швейцария, АҚШ, Канада, Буюк Британия каби мамлакатлар жаҳон миқёсида соғлиқни сақлаш соҳасига юқори даражада харажатлар сарфловчи мамлакатлар ҳисобланади. Аммо шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, инқироз мазкур соҳа харажатлари даражасига таъсир кўрсатган. Инқироздан сўнг ишсизлик даражасининг ортиши, кўпгина завод ва фабрикаларнинг ишчи ўринларини қисқартиришлари оқибатида бюджет харажатлари таркибида нисбатан қисқартиришлар амалга оширилади ва бу ҳолат соғлиқни сақлаш соҳаси харажатларига ҳам ўз таъсирини кўрсатган. Фақатгина АҚШ бундан мустасно.

Инсон капиталига йўналтирилаётган инвестициялардан яна бири бу таълим соҳасида ўз аксини топади. Мазкур соҳага ажратилаётган харажатлар кўлами ва сифатини юқорилиги сабабли кўпгина тараққий этган мамлакатларда фан сиғимкорлиги юқори бўлган техник – технологик соҳаларни ривожлантиришга эришадилар. Бундан ташқари инновацион фаолият даражаси ҳам юқори бўлади. Ишлаб чиқариш соҳасида технологик қуролланганлик даражаси баланд ҳамда ҳодимларнинг ҳам профессионаллик даражалари

ижобий кўрсаткичга эга ҳисобланади. Норвегия, АҚШ, Буюк Британия каби мамлакатлар таълим соҳаси харажатларининг ЯИМдаги улуши ўрта ҳисобда 4% дан юқори ҳисобланади.

Сўнги йилларда тараққий этган мамлакатларда инсон капитали тараққиёти индекси кўрсаткичи 0,920 – 1,109 оралиғида бўлди ва бу ўз навбатида инсон капиталини инвестициялаш амалиётининг қай даражада тўғри ва аниқ мақсадли йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида жадал иқтисодий ўсиш суръатларига эга бўлган БРИКС мамлакатларида инсон капиталини ривожлантириш учун ажратилаётган харажатлар ўсиш тенденциясига эга. Шунинг эътиборига олиш керакки, БРИКС мамлакатлари ҳиссасига дунё аҳолиси улушининг 40% қисми тўғри келади. Аммо инқироз давридан сўнг бир оз харажатлар даражасида пасайиш намоён бўлди. БРИКС мамлакатларида инсон капитали индекси кўрсаткичи 0,629 – 0,718 оралиғида бўлди ва БРИКС мамлакатлари рақобатбардошлик индекси ўрта ҳисобда 4,56 га тенг бўлди. Мазкур ҳолат БРИКС мамлакатларида инсон капиталини ривожлантиришга қаратилаётган эътиборнинг қай даражада долзарблигидан далолат беради.

СССР парчаланиши натижасида унинг таркибига кирган қатор мамлакатларда ўзига яраша иқтисодий-ижтимоий муаммолар юзага кела бошлади. Мамлакатлардаги аҳоли сони, уларнинг турмуш тарзи билан боғлиқ вазиятлар чигаллашди, масалан, Белоруссия, Россия, Украина каби мамлакатларда аҳоли сони камайиши кўзга ташланди. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари инсон капитали тараққиёти индекси компонентлари даражасини юксалтириш мақсадида маълум бир даражада инсон капиталига сармоялар киритдилар. Натижада 2012 йилга келиб Белоруссияда мазкур кўрсаткич 72,2 йил, Украинада 71,2 йил, Россияда 69,8 йил ва Қозоғистонда 69,8 йилга тенг бўлди. Мазкур кўрсаткич аввалги йилларга нисбатан ижобий натижа беради (2.3.2-жадвал). Аммо шунинг таъкидлаш жоизки, 2000 – 2005 йиллар оралиғида Белоруссия, Россия ва Украинада эркаклар ҳаёти давомийлиги кўрсаткичи

нисбатан пасайган. Аёллар ҳаёти давомийлиги эса фақатгина ижобий тенденцияга эга бўлиб келмоқда.

Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида таълим соҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Таълим соҳасига ажратилаётган харажатлар маълум бир муддат ўтгандан сўнг натижа беради. Мазкур соҳа хизмати сифатини ошириш, замон талабларига мос равишда техник-технологик базасини яратиш ҳамда шарт – шароитларни яхшилаш орқали мамлакатлар келажакда рақобатбардошлик даражаларини мустаҳкамлашга эришадилар. 2005-2010 йиллар оралиғида ўрта ҳисобда таълим соҳасига ажратилаётган харажатлар бўйича МДҲ мамлакатлари орасида Молдова ЯИМга нисбатан 9,1% кўрсаткич билан етакчилик қилмоқда, кейинги ўринларни Қирғизистон (6,2%), Украина (5,3%), Белоруссия (4,5%), Россия (4,1%) ва бошқа мамлакатлар эгаллаган.

### III – боб. Ўзбекистонда инсон капитални ривожланиш истиқболлари

#### 3.1. Инсон капитални ривожланиш омиллари ва таркиби

Бозор иқтисодиёти муносабатларига тадрижий йўл билан изчил ва босқичма – босқич ўтиш, мамлакатда сиёсий ва макроиқтисодий барқарорлик, Ўзбекистон учун ўтиш даври иқтисодиёти қийинчиликларини бошидан кечираётган бошқа барча собиқ Иттифоқ давлатларидан кўра ишлаб чиқаришнинг ҳалокатли тарзда орқага кетиши оқибатларини тезроқ бартараф этиш ва 90 – йилларнинг ўрталаридаёқ иқтисодий ўсиш ҳамда аҳоли турмуш даражасини оширишни қайта тиклаш имконини беради.

Ўзбекистонда босқичма – босқич ва ижтимоий йўналтирилган тарзда амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришларнинг самараси, аввало аҳоли жон бошига ўртача тўғри келадиган кўрсаткичлар ва аҳоли турмуш даражасининг мунтазам ошиб бораётганида яққол намоён бўлмоқда.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ, харид қобилияти паритети (ХҚП) асосида ҳисобланганда, 1990 йилда 1328<sup>53</sup> долларни, 2000 йилда 1431<sup>54</sup> долларни, 2010 йилда 3271<sup>55</sup> долларни, 2011 йилда эса 3455<sup>56</sup> долларни ташкил этди. Ўзбекистонда ўтган асрнинг 90 – йилларидаёқ бу муҳим кўрсаткич бўйича ислохотларгача бўлган даражадан ҳам юқори натижага эришилди. Таъкидлаб ўтиш жоизки 1990 – 2013 йиллар мобайнида аҳоли сони қарийб 1,5 баробарга ўсган бир пайтда, харид қобилияти паритети (ХҚП) асосида ҳисобланган аҳоли жон бошига ўртача тўғри келадиган ЯИМ 2,8 баробарга ошиши таъминланди<sup>57</sup>.

Меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган, ўзаро чуқур боғланган чора – тадбирларнинг амалга оширилиши, ЯИМ, маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг юқори суръатларда барқарор ўсиб бориши, бюджет соҳаси ходимларининг иш ҳақи,

<sup>53</sup> Жаҳон банкининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

<sup>54</sup> Жаҳон банкининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

<sup>55</sup> Жаҳон банкининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

<sup>56</sup> Жаҳон банкининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

<sup>57</sup> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорининг мунтазам қайта кўриб чиқилиши, таълим, соғлиқни сақлаш ва илм – фан соҳалари хизматчиларининг меҳнатини рағбатлантириш, аҳоли турмуш даражасини тубдан яхшилашга қаратилган бошқа чора – тадбирлар, айниқса охириги йилларда, халқимизнинг ҳаёт сифати изчил юксалиб бориши таъминланди.

Юртимизда кечаётган ўзгаришлар аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал пул маблағлари, ўртача номинал ва реал иш ҳақи миқдори белгиланган энг кам иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар кўрсаткичларини яққол намоён этмоқда. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадалари, харид қобилияти паритети асосида ҳисоблаганда, 2011 йил охирида 2597 долларни ташкил этди.<sup>58</sup>

Мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсатнинг босқичма – босқич амалга оширилиши, аҳоли даромадлари ва ҳаёт даражасини мунтазам ошириб бориш, халқимизни ижтимоий қўллаб – қувватлашни кучайтиришга қаратилган аниқ мақсадли чора – тадбирлар ўртача ойлик иш ҳақи миқдорининг сезиларли равишда, яъни 2013 йилда 1990 йилга нисбатан АҚШ доллари эквивалентида қарийб 3,5 баробар, ўртача пенсия ҳажмининг эса 6,5 баробар ошишини таъминлади.<sup>59</sup>

Пул даромадлари ошиши ва аниқ йўналтирилган ижтимоий қўллаб – қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чора – тадбирлар аҳоли барча қатламларининг ўртача даромадларининг изчил ўсиб боришида муҳим омил бўлди. Бунда аҳолининг турли гуруҳлари даромадлари даражасидаги тафовутни (дифференциялашувини) акс эттирадиган Жинни коэффитциенти 1990 – 2011 йилларда 0,40 дан 0,30 га пасайди, бу эса иқтисодий жиҳатдан тараққий топган давлатлардаги ўртача кўрсаткичга мос келади (3.1.1 – диаграмма).


---

<sup>58</sup> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

<sup>59</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

### Аҳоли пул даромадлари дифференциацияси<sup>60</sup>

(Жинни коэффициенти)



Аҳоли фаровонлигини ўзида яққол мужассам этадиган энг муҳим кўрсаткич бу – оила истеъмол бюджетининг ҳажми ва таркибидир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий тамойилларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан чуқур асослаб берилган кучли ижтимоий сиёсат аҳоли ялпи даромадаларининг ўсиши учун зарур шарт шароит яратди (3.1.2 – диаграмма).

Мазкур ислохотлар натижасида 1990 – 2012 йиллар давомида Ўзбекистон аҳолисининг ялпи даромадлари, аниқ ҳисоб – китоблар бўйича 11,4 баробар ошди.

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан аҳоли даромадларини оширишга қаратилган чора – тадбирларнинг қабул қилиниши, ҳаётимизда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган ўрта синфни шакллантириш имконини берди.


<sup>60</sup> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

Экспертлар хулосаларига кўра, ўртача даромадга эга бўлганлар, агар 1990 йида 18 фоизни ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб эса қарийб 50 фоиз уй хўжаликлари ўртача даражадан кам бўлмаган барқарор даромадга эга бўлган (3.1.3 – диаграмма).

3.1.2 – диаграмма

### Аҳоли ялпи даромадларининг динамикаси<sup>61</sup>

(1990 йил = 100 фоиз, уй хўжаликларини тадқиқ этиш натижаларига асосан)



Ўртача ойлик иш ҳақи миқдорининг босқичма – босқич ошириб борилиши ялпи даромадлар таркибидаги, ўтиш даврининг дастлабки йилларида бўлгани каби, улуши янада пасайиб кетишининг олдини олди. Ҳозирги пайтда аҳолининг ялпи даромадларида ойлик иш ҳақининг улуши барқарор ҳолат, яъни 30 – 32,1 фоиз<sup>62</sup> даражасида сақлаб қолинмоқда.

Аҳолининг харид қобилияти, яъни унинг ойлик маош ва пенсия ҳисобидан зарур истеъмол маҳсулотларини сотиб олиш ва хизматлардан фойдаланиш имкониятлари аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талаб ва эҳтиёжларининг таъминланиши сезиларли даражада яхшиланиб бораётганини


<sup>61</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

<sup>62</sup> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

акс эттиради. Ўртача ойлик маош харид қобилиятининг ўсиш динамикаси, минимал истеъмол савати билан қиёсланганда, ҳозирги пайтда 7,2 баробаргача ошди (3.1.4 – диаграмма).

3.1.3 – диаграмма

### Жамият таркибида ўрта қатламнинг улуши<sup>63</sup>



Аҳолининг жамғарма маблағлари истеъмол бюджетининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Юртимизда 1995 – 2013 йилларда аҳолининг омонатлари ҳажми барқарор ошиб борди. Айниқса, юқори ўсиш суръатлари 2000 – 2013 йилларга тўғри келади, бу даврда мазкур кўрсаткич 34,7 баробар ошган. Ҳозирги вақтда, сўров натижаларига кўра, мамлакатимиздаги деярли барча хонадон соҳиблари банкларда ўз жамғарма маблағлари – омонатларига эга (3.1.5 – диаграмма).

Аҳолининг жамғарма маблағлари истеъмол бюджетининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Юртимизда 1995 – 2013 йилларда аҳолининг омонатлари ҳажми барқарор ошиб борди. Айниқса, юқори ўсиш суръатлари 2000 – 2013 йилларга тўғри келади, бу даврда мазкур кўрсаткич 34,7 баробар ошган. Ҳозирги вақтда, сўров натижаларига кўра, мамлакатимиздаги деярли барча


<sup>63</sup> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

хонадон соҳиблари банкларда ўз жамғарма маблағлари – омонатларига эга (3.1.5 – диаграмма).

3.1.4 – диаграмма

### Ўртача ойлик иш ҳақининг харид қобилияти<sup>64</sup>

(минимал истеъмол саватига нисбатан, марта ҳисобида)




Мамлакатимизнинг ижтимоий тараққиёт борасидаги йўналишлари асосида тўрт муҳим омил мужассам: демографик тенденциялар; ижтимоий инфратузилманинг барқарор ривожланиши; аҳоли бандлик даражасининг ўсиши; унинг кўмакка муҳтож ва кам таъминланган қатламларининг кучли ижтимоий муҳофазасини таъминлаш.

Ўзбекистонда доимий истиқомат қилаётган аҳоли сони 2013 йилнинг бошида 29,9 миллион кишини ташкил этди. Бу кўрсаткич 1990 – 2012 йиллар мобайнида қарийб 10 миллион қишига кўпайди ёки 1,5 баробар ошди (3.1.6 – диаграмма).

<sup>64</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.


3.1.5 – диаграмма

**Аҳоли жамғармаларининг 1995 йилга нисбатан ўсиши<sup>65</sup>**




3.1.6 – диаграмма

**1990 – 2013 йилларда Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг сони,  
млн. киши<sup>66</sup>**



<sup>65</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

<sup>66</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг ёш таркиби, фоизда<sup>67</sup>

Мамлакатимизда ижобий демографик жараёнлар аҳолининг ёш таркибини ҳам оптималлаштиришни тақазо этди. Бу жараёнда Ўзбекистон ёшлар мамлакати сифатидаги мақомини сақлаб қолмоқда, аҳолининг ўртача ёши 27,7 ёшни ташкил этмоқда (3.1.7 – диаграмма).

Ҳар бир мамлакатда ижтимоий соҳага йўналтирилаётган харажатлар бевосита инсон капитали ривожланиши учун замин яратади. Юқоридаги маълумотлар асосида шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда ҳам аҳоли турмуш тарзи йилдан – йилга фаровонлашиб бормоқда. Аҳоли даромадлари ортиши, жамиятда ўрта қатламнинг салмоқли улушининг шаклланиши бевосита инсон капитали ривожланишига тўртки бўлади.

### 3.2. Инсон капиталининг ривожланиш йўналишлари


Юртимизда жисмоний ва маънавий баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган пухта ўйланган демографик сиёсат натижасида аҳолининг йиллик ўртача ўсиши кўрсаткичи барқарорлашиб, сўнги йилларда 1,4 фоиз даражасида

<sup>67</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

қайд этилмоқда. Юртбошимиз И.А.Каримов баркамол авлодни шакллантириш концепциясида инсондаги ҳали тўла рўёбга чиқарилмаган, маълум бир объектив ва субъектив сабаблар туфайли ижодий, индивидуал, яширин қувватлари ривожланмаган, аммо мустақиллик шарофати туфайли зарур имкониятлар яратилгани учун энди тараққий эттириш мумкин бўлган ижтимоий, ижодий, ахлоқий, илмий, маънавий салоҳиятини қўллаб-қувватлашни назарда тутди. Ушбу концепция Республикамизнинг стратегик мақсадини ифода этади ва демократик ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуриш билан ёнма-ён, узвий тарзда тилга олинади.

3.2.1 – диаграмма

### Оналар ва гўдақлар ўлими кўрсаткичлари<sup>68</sup>




Баркамол авлодни шакллантириш концепциясининг муҳим хусусияти шундаки, у халқимизнинг энг гўзал ва олижаноб анъаналарига, тарихий-маданий парадигмалари ва гносеологик тажрибаларига таянади. Бу ўринда миллий тарбиявий жараёнлардаги тадрижийлик, узвийлик ва ворисийлик таъминланади.

<sup>68</sup> Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

Баркамол авлодни шакллантириш концепцияси замонавий таълим – тарбия, илм – фан, техника ва технологияга асосланади. У жаҳонда илғор давлатлар, маданият, илм-фан, кадрлар тайёрлаш марказлари билан ижодий ҳамкорлик қилиб юксак малакали кадрлар тайёрлашни назарда тутди.

3.2.2 – диаграмма

### Аҳолининг ўртача умр кўриши, ёш<sup>69</sup>



Давлатимиз томонидан соғлиқни сақлаш, оналик ва болалиқни ҳимоя қилиш бўйича кўрилатган чора – тадбирлар туфайли оналар ва болалар ўртасида ўлим даражасининг изчил пасайишига эришилди (3.2.1 – диаграмма): мустақиллик йилларида болалар ўлимининг умумий коэффиценти 1990 йилдаги 34,6 промилледан 2013 йилда 9,1 промиллега, оналар ўлими эса 100 минг тирик туғилган чақалоққа нисбатан тегишлича 65,3 дан 21,6 кўрсаткичга камайди. Натижада аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси 1990 йилдаги 67,2 ёшдан 2013 йилда 73,5 ёшга етди ёки 9 фоиздан кўпроқ ўсди (3.2.2 – диаграмма).

Таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар ва ушбу соҳаларга давлат харажатларининг самарали молиялаштирилиши

<sup>69</sup> Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

натижасида ижтимоий инфратузилманинг барқарор фаолият кўрсатиши ҳамда инсон капитални ривожлантириш масалари ечими таъминланмоқда.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг энг муҳим мақсади юртимизда соғлом ва баркамол, билимли, юксак маънавий – ахлоқий фазилатларга эга бўлган авлодни шакллантиришдан иборатдир.

3.2.1 – жадвал

**Таълимнинг кутилаётган давомийлик муддати, йил<sup>70</sup>**

	1990 й.	2000 й.	2005 й.	2010 й.	2012 й.
Ўзбекистон	13,7	14,8	15,1	15,6	15,7
Ривожланган давлатлар	14,1	15,0	15,4	15,9	15,9
Ўртадан юқори ривожланиш даражасидаги давлатлар	12,3	12,8	13,4	13,7	13,8
Ўртача ривожланиш даражасидаги давлатлар	9,7	10,0	10,5	11,0	11,2
Ўртача даражадан паст ривожланишдаги давлатлар	7,1	7,4	7,7	8,2	8,3

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда таълимнинг кутилаётган давомийлик муддати деярли ривожланган давлатлардаги кўрсаткичга яқинлашиб қолган. БМТ ташкилотининг “Минг йиллик ривожланиш дастури” тадқиқотларига кўра МДҲ мамлакатлари ичида Ўзбекистон таълим сифатининг қониқарлилик даражаси бўйича 85 фоиз кўрсаткич билан етакчи ўринни эгаллайди. Кейинги ўринларни Тожикистон

<sup>70</sup> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги. Инсон тараққиёти маърузаси, 2010 йил БМТ тараққиёт дастури

(76,4 %), Туркменистон (74,3%), Грузия (65,7%) ва бошқа мамлакатлар эгаллайди<sup>71</sup>.

Ўрта умумтаълим мактабларида таълим давлат тилидан ташқари, яна 7 тилда олиб борилмоқда: рус тилида – 784 та мактабда, қорақалпоқ тилида – 376 та мактабда, қозоқ тилида – 444 та мактабда, тожик тилида – 260 та мактабда, қирғиз тилида – 59 та, туркман тилида – 43 та мактабда ва бошқа тилларда<sup>72</sup>.

Мамлакатимизда 1997 – 2010 йилларда кенг миқёсда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури амалга оширилди. Унинг замирида аҳолининг узлуксиз таълим олишини таъминлаш, таълим тизимининг жамиятдаги ўзгариш ва янгиланишлар, иқтисодиётдаги юқори малакали кадрларга бўлган эҳтиёж билан уйғун ва ҳамоҳанг бўлишига эришиш концепцияси мужассам эди.

Юртимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасида 12 йиллик мажбурий таълимга, жумладан, тўққиз йиллик мактаб таълими ва ундан кейинги уч йиллик ўрта махсус, касб – ҳунар таълимига босқичма – босқич ўтилди. Таълимнинг барча босқичларида ўқув дастурлари қайта кўриб чиқилди ва замонавий халқаро талабларга мос ҳолга келтирилди. 1998 – 2013 йиллар давомида ўқув муассасаларини янгитдан қуриш ва мавжудларини реконструкция қилиш учун қарийб 3,1 триллион сўм сарфланди. Барча касб ҳунар коллежлари ва академик лицейлар замонавий таълим стандартлари талаблари асосида жиҳозланди.<sup>73</sup> 2013 йилда 28 та янги касб ҳунар коллежи қурилди, 381 та умумтаълим мактаби, олий ўқув юртлири тизимидаги 45 та объект, 131 та касб – ҳунар коллежи ва лицейлар реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Шунингдек, 55 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 112 та болалар спорти объекти ва 4 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилди<sup>74</sup>.

---

<sup>71</sup> Всемирные доклады о человеческом развитии ПРООН 2010-2012 годов. – Сайт ПРООН (<http://hdrstats.undp.org>).

<sup>72</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

<sup>73</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

<sup>74</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.


**Касб – ҳунар коллежлари ва академик лицейлар динамикаси****(ўсаётган бирликда)<sup>75</sup>**

График маълумотлари шуни кўрсатадики, мамлакатимизда касб – ҳунар коллежлари сони салмоқли ўринни эгаллайди. 12 йиллик мажбурий таълимни ўтаган ёшлар маълум бир касбга йўналтирилган тарзда таҳсил оломоқдалар. Бу эса ўз навбатида қувонарли ҳолдир.

Барча умумтаълим муассасаларида чет тилларини ўргатиш бўйича 17 мингдан зиёд ўқув хоналари ташкил этилди. Биринчи синф ўқувчилари учун чет тиллар бўйича мултимедиа варианты илова қилинган 538 мингдан зиёд дарслик чоп этилди. Икки минг нафарга яқин чет тили ўқитувчиси тайёрланди ва уларнинг умумий сони 26 минг кишига етди<sup>76</sup>.

Мамлакатимизнинг барча минтақаларида чет тилларини бир ҳил шароитда ўқитиш, қишлоқ жойларига юқори малакали инглиз тили ўқитувчиларини жалб

<sup>75</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

<sup>76</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

этиш мақсадида, таъриф ставкаларига 30 фоиз қўшимча ҳақ белгиланган ҳолда уларни моддий рағбатлантириш тизими жорий этилди<sup>77</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан 1998 йилда қабул қилинган Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ этиш давлат дастури мамлакатимизда бугун тиббиёт тизимини тубдан қайта кўриш, кўп сарф харажат талаб этадиган ва ҳамма вақт самарали бўлмаган стационар тиббий ёрдамдан амбулатор – поликлиника ва профилактика тиббиётига устувор аҳамият беришга ўтишда муҳим омил бўлди. Қишлоқ жойларида яхши самара бермаётган фельдшер – акушерлик пунктлари ўрнига қишлоқ врачлик пунктлари (ҚВП) ташкил этилди (3.2.4 – диаграмма).

Биргина 2012 йилнинг ўзида тиббиёт муассасаларида қўшимча 6581 та даволаниш ўрни ташкил этилди. Бу кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 1,4 баробар кўп демакдир. 2013 йилда соғлиқни сақлаш тизимини қўллаб – қувватлаш мақсадида 3,7 триллион сўмдан зиёд маблағ йўналтирилди.

Соғлиқни сақлаш соҳаси амбулатор – поликлиника бўғинининг мустақамланиши туфайли беморларнинг шифохоналарда ётиб даволаниши ҳар 100 кишига нисбатан камайиб, 1990 йилдаги 24,6 кишидан 2013 йилда 15,9 кишига тушди ва беморларнинг касалхонада даволаниши ўртача 14,8 кун ўрнига 8,2 кунга тўғри келмоқда<sup>78</sup>.


Мустақиллик йилларида ижтимоий соҳа ва аҳоли ижтимоий муҳофазаси учун йўналтирилган давлат харажатлари 5 баробардан зиёд ошди. Ҳар йили Давлат бюджети харажатларининг ярмидан ортиғи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда. Бундан кўзланган мақсад шуки, мамлакатимиз аҳолиси турмуш даражаси фаровонлигини ошириш, инсон тараққиёти кўрсаткичларини янада юксалтириш ва барқарорлигига эришишдир.

---

<sup>77</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

<sup>78</sup> Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

**Амбулатория – поликлиника ёрдами кўрсатиладиган тиббиёт  
муассасалари сони<sup>79</sup>**



Маълумки, ижтимоий ривожланиш масалаларини ҳал этиш ижтимоий соҳани молиялаштириш кўлами ва ушбу мақсадларга ажратилган маблағлардан самарали фойдаланиш билан бевосита боғлиқ.

2013 йилда тиббиёт санитари соҳасида биринчи ёрдам кўрсатиш оилавий тиббиёт принципи асосида ишлаш шаклига ўтказилди. Бу эса юртимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ этишни янада чуқурлаштириш бўйича жорий этилаётган чора – тадбирлар тизимида муҳим қадам бўлди. Бундай ўзгариш қишлоқ жойларида, айниқса, чекка туманларда яшаётган 14 миллион 600 минг нафар аҳолига малакали тиббий ёрдамдан фойдаланиш имконини берди.<sup>80</sup>

Туғиш ёшидаги аёллар, шунингдек болалар ва ўсмирларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўлиқ таъминланди. 2011 – 2013 йилларда 535 минг нафар ҳомиладор аёл ирсий ва туғма касалликлар бўйича текширувдан ўтказилди.

<sup>79</sup> Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида ҳисобланган.

<sup>80</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

Ушбу ҳолат эса ўз навбатида 2013 йилда қарийб 2,7 минг боланинг туғма ҳасталиклар ва ривожланишидаги нуқсонлар билан туғилишининг олдини олиш имконини берди. Мухтасар айтганда, “Она ва бола скрининги” дастурининг ҳаётга тадбиқ этилиши натижасида ривожланишда нуқсонли болаларнинг туғилиши 2000 йилга нисбатан 1,8 марта камайди.<sup>81</sup>

Аҳолининг овқатланишини яхшилаш, ун ва тузни зарур микроэлементлар билан тўйинтириш, оналар ва болаларни витаминга бой дори дармонлар билан таъминлаш бўйича амалга оширилган чора – тадбирлар туфайли бугунги кунда болаларимизнинг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига мос келади ва ҳеч шубҳасиз, бу биз еришган энг катта ютуқларимиздан биридир.<sup>82</sup>

Фақатгина 2013 йилнинг ўзида соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилган инвестициялар ҳажми 2010 йилга нисбатан 3,8 баробар ошди. Бунинг натижасида 295 та тиббиёт объекти реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини жиҳозлаш даражаси 1,8 баробар ортди ва 91,7 фоизга етди, жумладан, юқори технологияларга асосланган ускуналар билан жиҳозлаш даражаси 82,6 фоизни ташкил этди.<sup>83</sup>

2013 йилда давлат бюджети маблағларидан таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантириш учун жами ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб – қувватлаш харажатларининг 82,6 фоиз улуши йўналтирилди.

Ўзбекистонда ҳар йили таълим соҳасига ажратиладиган харажатлар ЯИМнинг 10 – 12 фоизини ташкил этмоқда, дунё амалиётида эса бу кўрсаткич 3 – 5 фоиздан ошмайди.

Мамлакатимизда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестицияларнинг самарадорлик даражасини оширишга қаратилган давлат чора – тадбирлари

---

<sup>81</sup> Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.


<sup>82</sup> Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

<sup>83</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

дастури изчил олиб борилмоқда. Натижада эса инсон капитали тараққиёти индекси ўсиш тенденциясига эга бўлиб келмоқда (3.2.5 – диаграмма).

3.2.5 – диаграмма

### Ўзбекистонда инсон капитали тараққиёти индекси<sup>84</sup>



Юқорида келтирилган маълумотлар шуни кўрсатадики Ўзбекистонда инсон тараққиёти даражасини юксалтириш мақсадида йилдан – йилга олиб борилаётган ислохотлар ўз натижаларини кўрсатмоқда. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизнинг жаҳондаги нуфузини янада мустаҳкамлаш учун хизмат қилади.

### 3.3. Ўрта муддатда инсон капиталининг ривожланишининг муқобил сценарийлари

Келгуси йилларда таълим, соғлиқни сақлаш, шунингдек аҳолининг ижтимоий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва сифатини яхшилашга қаратилган комплекс чора – тадбирларни амалга ошириш изчил давом эттирилади.

2014 йилда таълим тарбия соҳасида 380 та умумтаълим мактаби ҳамда 161 та касб – ҳунар коллежи ва академик лицейларни реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш учун 410 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтириш

<sup>84</sup> Human Development Report 2013 // United Nations Development Programme (2013).

мўлжалланмоқда.<sup>85</sup> Касб – ҳунар коллежларининг ўқув ишлаб чиқариш устахоналарини юксак технологиялар асосида ишлаб чиқарилган замонавий ускуналар ва ўқув техникаси билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

2014 йилда 34 та олий ўқув муассасасида қурилиш, реконструкция ва жиҳозлаш ишларини амалга ошириш учун 173 миллиард сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган. Жумладан, Андижон, Қарши давлат университетларида, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва бошқа олий ўқув юртларида янги ўқув бинолари ва ахборот ресурс марказлари қуриш мўлжалланмоқда. Шунингдек, 51 миллиард сўм маблағ ҳисобидан мамлакатимиздаги 17 та олий ўқув юртида капитал тамирлаш ишларини амалга ошириш белгиланган.<sup>86</sup>

Яқин йилларда таълим соҳасини ривожлантиришнинг асосий вазифаси таълим муассасаларида яратилган моддий техник базадан самарали фойдаланиш, уларни тизимли асосда замонавий техника ва ускуналар янгитдан таъминлаб бориш, ўқув жараёнига илғор таълим технологиялари ва ахборот – коммуникация тизимини кенг жорий этишдан иборатдир. Шу мақсадда Президентимиз ташаббуси билан 2010 йилда таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғарма ташкил этилди. Ушбу жамғарманинг асосий вазифаси таълим муассасаларини энг янги ўқув – лаборатория ва ишлаб чиқариш ускуналари, компьютер техникаси, ўқув мебели ва анжомлари билан жиҳозлаш (жиҳозлашни давом эттириш), ўқув биноларини ўқув устахона ва лабораториялари билан кенгайтириш, спорт заллари ва майдончалари, бошқа инфратузилма объектларини барпо этиш ишларини молиялаштиришни назарда тутати.

---

<sup>85</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

<sup>86</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

2015 йилгача Жамғарма маблағлари ҳисобидан барча мактабларни ўқув жараёнига замонавий ахборот технологияларини жорий этиш имконини берадиган компьютер синфлари билан таъминлаш борасидаги чора – тадбирлар охирига етказилади. Бундан ташқари 400 та болалар спорти, 221 та болалар мусиқа ва санъат мактабини қуриш ишлари амалга оширилади.<sup>87</sup>

“Электрон таълим” лойиҳасини амалга оширишга алоҳида эътибор берилади. Ушбу лойиҳа доирасида мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги олий ўқув юртларида, касб – ҳунар коллежлари ва академик лицейларда, умумтаълим мактабларида босқичма – босқич электрон кутубхона фондининг эркин каталоги, масофавий таълим ва маълумот алмашинуви тизими жорий этилади.<sup>88</sup>

Соғлиқни сақлаш соҳасида ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида асосий эътибор кўрсатилаётган тиббий хизматлар сифатини яхшилаш, касалликларни дастлабки давридаёқ аниқлаш ва уларнинг олдини олиш тизими самарадорлигини ошириш, санитария – эпидемиология ҳолатини, энг аввало қишлоқ жойларида яхшилаш, шунингдек, тор мутахассисликларга ихтисослашган илмий марказларни диагностика ва даволашнинг юқори технологияли усулларида таъминлаш орқали ривожлантириш масалаларига қаратилади.

Соғлиқни сақлаш тизимини янада ислох этиш ва тиббиёт муассасаларининг моддий техник базасини мустаҳкамлаш масалалари 2014 йилда ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлиб қолади. Шунини алоҳида қайд этиш керакки, 2014 йилда МДХ мамлакатларида ўхшаши бўлмаган, халқаро стандартлар бўйича энг юқори, яъни тўртинчи даражали ҳисобланадиган кўп тармоқли маҳсус болалар шифохонасини Корея Республикаси ҳукуматининг 103 миллион доллар миқдоридаги маблағи ҳисобидан барпо этиш бошланади.

---

<sup>87</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий – ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990 – 2011 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2012 – 2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013. – 124 б.

<sup>88</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий – ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990 – 2011 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2012 – 2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013. – 124 б.

Айтиш керакки, ушбу шифохона 250 та даволаш ўрнига ва бир кеча – кундузда 200 нафар болани қабул қила оладиган поликлиникага эга бўлади.<sup>89</sup>

Хусусан, 2011 – 2015 йилларда 700 дан ортиқ (ўтган беш йилдагига нисбатан 1,8 баробар кўп) соғлиқни сақлаш муассасаси (вилоятлардаги 27 та кўптармоқли марказ, 12 та минтақавий тиббий диагностика маркази ва 10 та республика ихтисослаштирилган маркази) қуриш, реконструкция қилиш ва уларни жиҳозлаш кўзда тутилган.<sup>90</sup>

Келгуси йилларда 100 дан ортиқ туман тиббиёт мажмуалари Жаҳон банкининг “Саломатлик – 3” лойиҳаси доирасида умумий қиймати 93 миллион доллар миқдоридаги замонавий тиббиёт ускуналари билан таъминланади, қишлоқ аҳоли пунктлари қошида ҳаётий зарур дори воситаларини етказиб берадиган дорихоналар фаолиятини ташкил этиш ишлари якунига етказилади.<sup>91</sup>

Маълумки, тиббиёт ва спорт жамиятда соғлом турмуш тамойилларини шакллантиришнинг энг муҳим омиллари ҳисобланади. Шу боис юртимизда болалар спорти объектларининг моддий – техник базасини кенгайтириш ва янада мустаҳкамлаш, уларни керакли спорт жиҳозлари билан таъминлаш, мутахассис ва мураббийлар тайёрлаш, спорт машғулотлари турларини кўпайтириш масалаларига алоҳида аҳамият берилади. Болалар жисмоний тарбия билан шуғулланиши уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, касалликлар, аввало ўткир респиратор касалликларининг олдини олиш ва камайтиришда катта роль ўйнайди.

---

<sup>89</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

<sup>90</sup> Ўзбекистон Республикаси иқтисодий – ижтимоий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1990 – 2011 йиллар) асосий тенденция ва кўрсаткичлари ҳамда 2012 – 2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари: статистик тўплам. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013. – 123 б.

<sup>91</sup> Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

## Хулоса

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг юқори даражада мақсадли йўналтирилганлигини улар натижасида эришилган кўрсаткичлар намоён этмоқда. Йилдан – йилга аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичларнинг ортиши, аҳоли турмуш тарзи даражасининг юксалиши, таълим бериш сифати ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш даражаларининг яхшиланиб бориши юртимизда инсон тарққиётига қаратилаётган эътиборнинг қай даражада долзарблигидан далолат беради.

Хусусан, Ўртача ойлик иш ҳақи миқдорининг босқичма – босқич ошириб борилиши ялпи даромадлар таркибидаги, ўтиш даврининг дастлабки йилларида бўлгани каби, улуши янада пасайиб кетишининг олдини олди. Ҳозирги пайтда аҳолининг ялпи даромадларида ойлик иш ҳақининг улуши барқарор ҳолат, яъни 30 – 32,1 фоиз<sup>92</sup> даражасида сақлаб қолинмоқда. Бу эса ўз навбатида аҳоли истеъмоли ва танлаш имкониятлари доирасини кенгайтишига сабаб бўлади.

Таълим тизимида давлат ва жамият бошқарувини уйғунлаштириш тамойили таълимни ташкил етиш ва унинг сифатини оширишда давлат ва жамиятнинг таълим муассасаларини бошқаришда ҳамкорликка еришишни назарда тутди. Таълим тизимида давлат ва жамият бошқаруви таълим самарадорлигини оширишга замин яратади.

Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашда молиявий бошқарувни тубдан ислох этиш йўлида, таълим тизимининг барча бўғинларида моддий – техника базасини мустаҳкамлаш, замонавий техника, ўқув – лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, давлат таълим стандартларини такомиллаштириш, янги ўқув адабиётларини яратиш, энг асосийси, кадрларнинг касб малакаси ва махоратини ошириш учун таълим тизимини бошқаришда молиялашни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш зарурдир.

---

<sup>92</sup> Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

Кўпчилик ҳолларда юқори малакали кадрлар тайёрлаш уч асосий масала ёки муаммога алоқадор бўлади:

- Юқори малакали кадрларни сифатли тайёрлашнинг очиклиги;
- Таълим сифати;
- Ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги.

Ҳозирда таълим тизими иқтисодиёт ривожланишининг энг муҳим омили ҳисобланади деб, тўғридан-тўғри айтилмоқда ва Япония, Европа мамлакатлари ва бошқа давлатлар мисол қилиб келтирилиб, таълим иқтисодиётга нисбатан бирламчи эканлиги кўрсатилмоқда. Вазиятни аниқлаштиришга имкон берувчи бир мулоҳазани келтириб ўтамиз. Иқтисодиётнинг (ёки ишлаб чиқаришнинг) ривожланишига туртки бериш учун бир нечта маълумотли кишиларнинг ўзи етарли бўлади. Бироқ шу турткини янги ишлаб чиқаришлар, технологиялар, маҳсулотлар ва ҳоказолар яратиш кўринишида беришга қодир бир нечта маълумотли кишилар пайдо бўлиши учун уларнинг орасида бу қобилиятли одамлар ажралиб туриши мумкин бўлган кўпгина кишиларни ўқитиш зарур. Бундан ташқари, янги ишлаб чиқаришларнинг фаолият юритишини бу ишни бажара оладиган кишилар, яъни зарур билим, маҳорат ва кўникмаларга эга мутахассислар таъминлаши лозим. Демак, юқори малакали кадрлар тайёрлашсиз иқтисодий ўсиш ҳақида гапиришга ҳожат йўқ. Бу маънода кадрлар тайёрлаш тизимининг бирламчи эканлиги, унинг иқтисодиётни ривожлантириш мақсадлари учун устувор эканлиги ҳақида гапириш ўринли бўлади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар халқ фаровонлигини ошириш, инсонни ҳар томонлама камол топтириш, маънавий юксалтириш, шахс манфаатларини рўёбга чиқариш шароитлари ва таъсир механизмларини яратишга қаратилган. Шу боис ҳам ҳозирги кунда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга муҳим ижтимоий-иқтисодий аҳамият касб этаётган долзарб муаммолардан бири деб қаралмоқда.

Соғлиқни сақлаш соҳаси ислохотлари натижасида аҳолининг тиббий хизматлардан фойдаланиш даражаси ва сифати кескин ортиб бормоқда.

Мамлакатда аҳолининг узоқ ва соғлом умр кўриши мақсадида олиб борилаётган ислохотлар бугунги кунда ўз натижасини бермоқда.

Хусусан, 2013 йилда тиббиёт санитария соҳасида биринчи ёрдам кўрсатиш оилавий тиббиёт принципи асосида ишлаш шаклига ўтказилди. Бу эса юртимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислох этишни янада чуқурлаштириш бўйича жорий этилаётган чора – тадбирлар тизимида муҳим кадам бўлди. Бундай ўзгариш қишлоқ жойларида, айниқса, чекка туманларда яшаётган 14 миллион 600 минг нафар аҳолига малакали тиббий ёрдамдан фойдаланиш имконини берди.<sup>93</sup>

Туғиш ёшидаги аёллар, шунингдек болалар ва ўсмирларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўлиқ таъминланди. 2011 – 2013 йилларда 535 минг нафар ҳомиладор аёл ирсий ва туғма касалликлар бўйича текширувдан ўтказилди. Ушбу ҳолат эса ўз навбатида 2013 йилда қарийб 2,7 минг боланинг туғма ҳасталиклар ва ривожланишидаги нуқсонлар билан туғилишининг олдини олиш имконини берди. Мухтасар айтганда, “Она ва бола скрининги” дастурининг ҳаётга тадбиқ этилиши натижасида ривожланишда нуқсонли бор болаларнинг туғилиши 2000 йилга нисбатан 1,8 марта камайди.<sup>94</sup>

Аҳолининг овқатланишини яхшилаш, ун ва тузга зарур микроэлементлар билан тўйинтириш, оналар ва болаларни витаминга бой дори дармонлар билан таъминлаш бўйича амалга оширилган чора – тадбирлар туфайли бугунги кунда болаларимизнинг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига мос келади ва ҳеч шубҳасиз, бу биз еришган энг катта ютуқларимиздан биридир.<sup>95</sup>

Фақатгина 2013 йилнинг ўзида соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилган инвестициялар ҳажми 2010 йилга нисбатан 3,8 баробар ошди. Бунинг натижасида 295 та тиббиёт объекти реконструкция қилиниб, фойдаланишга

---

<sup>93</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

<sup>94</sup> Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

<sup>95</sup> Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги маълумотлари асосида ҳисобланган.

топширилди. Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини жиҳозлаш даражаси 1,8 баробар ортди ва 91,7 фоизга етди, жумладан, юқори технологияларга асосланган ускуналар билан жиҳозлаш даражаси 82,6 фоизни ташкил этди.<sup>96</sup>

Кенг миқёсдаги ислоҳотларни изчил ва узвий тарзда аниқ мақсад сари йўналтирилганлиги олдимизга қўйилган марраларга эришиш имконини бермоқда. Амалга оширилаётган ислоҳотлар халқимиз ҳаёт сифатини ошириш ва узоқ истиқболга мўлжалланган мақсадларга эришиш – жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаш учун имкон яратади.

---

<sup>96</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2013 йилда мамлакатимизни ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устивор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

## Хулоса ва таклифлар

Ҳар қандай демократик давлатнинг ривожланишдан пировард мўлжалланган мақсади – инсон ўсиб ва ўзгариб бораётган эҳтиёжларини қондиришдир. Жамият тараққиёти эса, нафақат мамлакат иқтисодий салоҳиятининг катталиги билан, балки бу салоҳият ҳар бир инсоннинг камол топиши ва уйғун ривожланишига қанчалик йўналганлиги билан ҳам ўлчанади.

Инсон капитали бу-даромад келтирадиган инсон қобилиятидир. Инсон капиталининг таянч асосини инсон капитали ташкил этади. У ишчининг махсус таълим, касб-хунарга тайёрлаш ва ишлаб чиқариш тажрибаси асосида тўпланган билимлари, уларни амалга ошириши ва маҳоратини ифодалайди.

Инсон капитали инсонга даромад келтирувчи қобилияти эканлигини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатлар инсон капиталини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратадилар. Инсон капитали мамлакат иқтисодий ўсиш суръатларига тўғридан – тўғри таъсир кўрсатувчи омил ҳисобланади. Бундан ташқари инсон капитали мамлакат рақобатбардошлик даражасини ҳам ўзида мужассамлаштиради. У ишчининг махсус таълим, касб – хунарга тайёрлаш ва ишлаб чиқариш тажрибаси асосида тўплаган билимлари, уларни амалга ошириши ва маҳоратини ифодалайди.

Бугунги кунда ҳар бир мамлакат ўзининг иқтисодий мақомидан қатъий назар маълум бир даражада ўзлари эгалик қилаётган миллий инсон капитали тараққиёти даражасини такомиллаштиришга катта эътибор қаратадилар. Ҳар бир мамлакат ўз ижтимоий – иқтисодий сиёсатидан келиб чиққан ҳолда инсон тараққиёти индекси компонентларини даражасини ривожлантириш учун ЯИМдан тегишли соҳаларга харажатлар ажратиб борадилар.

Дунё аҳолиси сонининг ортиб бориши инсонларнинг ҳаёти давомийлиги билан узвий боғлиқ саналади. Тараққий этган мамлакатларда мазкур кўрсаткич 70 йилдан юқори ҳисобланади. Бу ҳолат ижобий ҳолат бўлиб, соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилаётган харажатларнинг натижасини ўзида намоён қилади.

Сўнги йилларда тараққий этган мамлакатларда соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилаётган ҳаражатлар ЯИМга нисбатан 9 – 18% оралиғида бўлиб келмоқда. Швейцария, АҚШ, Канада, Буюк Британия каби мамлакатлар жаҳон миқёсида соғлиқни сақлаш соҳасига юқори даражада ҳаражатлар сарфловчи мамлакатлар ҳисобланади.

Инсон капиталига йўналтирилаётган инвестициялардан яна бири бу таълим соҳасида ўз аксини топади. Мазкур соҳага ажратилаётган ҳаражатлар кўлами ва сифатини юқорилиги сабабли кўпгина тараққий этган мамлакатларда фан сиғимкорлиги юқори бўлган техник – технологик соҳаларни ривожлантиришга эришадилар. Бундан ташқари инновацион фаолият даражаси ҳам юқори бўлади. Ишлаб чиқариш соҳасида технологик қуролланганлик даражаси баланд ҳамда ҳодимларнинг ҳам профессионалик даражалари ижобий кўрсаткичга эга ҳисобланади. Норвегия, АҚШ, Буюк Британия каби мамлакатлар таълим соҳаси ҳаражатларининг ЯИМдаги улуши ўрта ҳисобда 4% дан юқори ҳисобланади.

Сўнги йилларда тараққий этган мамлакатларда инсон капитали тараққиёти индекси кўрсаткичи 0,920 – 1,109 оралиғида бўлди ва бу ўз навбатида инсон капиталини инвестициялаш амалиётининг қай даражада тўғри ва аниқ мақсадли йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида жадал иқтисодий ўсиш суръатларига эга бўлган БРИКС мамлакатларида инсон капиталини ривожлантириш учун ажратилаётган ҳаражатлар ўсиш тенденциясига эга. Шунинг эътиборга олиш керакки, БРИКС мамлакатлари ҳиссасига дунё аҳолиси улушининг 40% қисми тўғри келади. Аммо инқироз давридан сўнг бир оз ҳаражатлар даражасида пасайиш намоён бўлди. БРИКС мамлакатларида инсон капитали тараққиёти индекси кўрсаткичи 0,629 – 0,718 оралиғида бўлди ва БРИКС мамлакатлари рақобатбардошлик индекси ўрта ҳисобда 4,56 га тенг бўлди. Мазкур ҳолат БРИКС мамлакатларида инсон капиталини ривожлантиришга қаратилаётган эътиборнинг қай даражада долзарблигидан далолат беради.

СССР парчаланиши натижасида унинг таркибига кирган катор мамлакатларда турли даражада ижтимоий – иқтисодий, демографик муаммолар юзага чиқа бошлади. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари инсон капитали тараққиёти индекси компонентлари даражасини юксалтириш мақсадида маълум бир даражада инсон капиталига сармоялар киритдилар. Натижада 2012 йилга келиб Беларуссияда инсон ҳаёти давомийлиги кўрсаткичи 72,2 йил, Украинада 71,2 йил, Россияда 69,8 йил ва Қозоғистонда 69,8 йилга тенг бўлди. Мазкур кўрсаткич аввалги йилларга нисбатан ижобий натижа беради. Аммо шуни таъкидлаш жоизки, 2000 – 2005 йиллар оралиғида Беларуссия, Россия ва Украинада эркаклар ҳаёти давомийлиги кўрсаткичи нисбатан пасайган. Аёллар ҳаёти давомийлиги эса фақатгина ижобий тенденцияга эга бўлиб келмоқда. 2005-2010 йиллар оралиғида ўрта ҳисобда таълим соҳасига ажратилаётган харажатлар бўйича МДҲ мамлакатлари орасида Молдова ЯИМга нисбатан 9,1% кўрсаткич билан етакчилик қилмоқда, кейинги ўринларни Қирғизистон (6,2%), Украина (5,3%), Беларуссия (4,5%), Россия (4,1%) ва бошқа мамлакатлар эгаллаган.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг юқори даражада мақсадли йўналтирилганлигини улар натижасида эришилган кўрсаткичлар намоён этмоқда. Йилдан – йилга аҳоли жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичларнинг ортиши, аҳоли турмуш тарзи даражасининг юксалиши, таълим бериш сифати ҳамда тиббий хизмат кўрсатиш даражаларининг яхшиланиб бориши юртимизда инсон тарққиётига қаратилаётган эътиборнинг қай даражада долзарблигидан далолат беради.

Ўзбекистонда ўртача ойлик иш ҳақи миқдорининг изчиллик билан босқичма – босқич ошириб борилиши ялпи даромадлар таркибидаги, ўтиш даврининг дастлабки йилларида бўлгани каби, улуши янада пасайиб кетишининг олдини олди. Ҳозирги пайтда аҳолининг ялпи даромадларида ойлик иш ҳақининг улуши барқарор ҳолат, яъни 30 – 32,1 фоиз даражасида

сақлаб қолинмоқда. Бу эса ўз навбатида аҳоли истеъмоли ва танлаш имкониятлари доирасини кенгайтишига сабаб бўлади.

Ўзбекистонда кадрлар тайёрлашда молиявий бошқарувни тубдан ислоҳ этиш йўлида, таълим тизимининг барча бўғинларида моддий – техника базасини мустахкамлаш, замонавий техника, ўқув – лаборатория жиҳозлари билан таъминлаш, давлат таълим стандартларини такомиллаштири, янги ўқув адабиётларини яратиш, энг асосийси, кадрларнинг касб малакаси ва маҳоратини ошириш учун таълим тизимини бошқаришда молиялашни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқиш зарурдир.

Кўпчилик ҳолларда юқори малакали кадрлар тайёрлаш уч асосий масала ёки муаммога алоқадор бўлади:

- Юқори малакали кадрларни сифатли тайёрлашнинг очиклиги;
- Таълим сифати;
- Ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги.

Соғлиқни сақлаш соҳаси ислохотлари натижасида аҳолининг тиббий хизматлардан фойдаланиш даражаси ва сифати кескин ортиб бормоқда. Мамлакатда аҳолининг узоқ ва соғлом умр кўриши мақсадида олиб борилаётган ислохотлар бугунги кунда ўз натижасини бермоқда.

Хусусан, 2013 йилда тиббиёт санитария соҳасида биринчи ёрдам кўрсатиш оилавий тиббиёт принципи асосида ишлаш шаклига ўтказилди. Бу эса юртимизда соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ этишни янада чуқурлаштириш бўйича жорий этилаётган чора – тадбирлар тизимида муҳим кадам бўлди. Бундай ўзгариш қишлоқ жойларида, айниқса, чекка туманларда яшаётган 14 миллион 600 минг нафар аҳолига малакали тиббий ёрдамдан фойдаланиш имконини берди. Туғиш ёшидаги аёллар, шунингдек болалар ва ўсмирларни тиббий кўриқдан ўтказиш тўлиқ таъминланди. 2011 – 2013 йилларда 535 минг нафар ҳомиладор аёл ирсий ва туғма касалликлар бўйича текширувдан ўтказилди. Ушбу ҳолат эса ўз навбатида 2013 йилда қарийб 2,7 минг боланинг

туғма ҳасталиклар ва ривожланишидаги нуқсонлар билан туғилишининг олдини олиш имконини берди. Мухтасар айтганда, “Она ва бола скрининги” дастурининг ҳаётга тадбиқ этилиши натижасида ривожланишда нуқсонли болаларнинг туғилиши 2000 йилга нисбатан 1,8 марта камайди.

Аҳолининг овқатланишини яхшилаш, ун ва тузни зарур микроэлементлар билан тўйинтириш, оналар ва болаларни витаминга бой дори дармонлар билан таъминлаш бўйича амалга оширилган чора – тадбирлар туфайли бугунги кунда болаларимизнинг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига мос келади ва ҳеч шубҳасиз, бу биз еришган энг катта ютуқларимиздан биридир.

Маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, ривожланаётган давлатлар инсон капитали тараққиёти таркибидаги компонентлари кўрсаткичлари тобора тараққий этган мамлакатлар кўрсаткичларига яқинлашиб бормоқда.

Тадқиқот ишида қайд этилган маълумотлар шуни кўрсатмоқдаки, Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози айрим малакатлар гуруҳига инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган молиявий дастаклар фаолиятига салбий таъсир ўтказган. Бундан ташқари эркаклар ва аёллар ҳаёти давомийлиги кўрсаткичларида ҳам сезиларли даражада нисбатнинг мавжудлиги ҳолати намоён бўлмоқда. Айрим мамлакатларда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестициялар самарадорлиги даражасининг паст даражада. Дунё аҳолиси сонининг ортиб бораёпти, аммо баъзи ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида демографик муаммоларнинг вужудга келиш эҳтимоли мавжуд (Украина, Россия).

Юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал этишга қаратилган қуйидаги илмий ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози шароитида тараққий этган мамлакатларда инсон капиталини инвестициялашга қаратилаган ҳаражатлар нисбатан камайди, мазкур соҳа ҳаражатлари барқарорлигини таъминлаш

мақсадида алоҳида фондлар фаолиятини ташкил этиш ва такомиллаштириш зарур;

2. Тараққий этган мамлакатларда инсон капитали тараққиёти кўрсаткичи тебранувчан циклга эга, аммо унинг компонентлари даражаси нисбатан барқарор, инсон капитали тараққиёти ҳамда унинг компонентлари орасидаги боғлиқликни бир маромда бўлишига эришиш ҳамда уларнинг барқарор ривожлантиришга қаратилган чора – тадбирлар ишлаб чиқилиши ва уларни амалга оширилишининг мунтазамлигини таъминлаш;

3. Мамлакатларда инсон капиталини ривожлантиришга қаратилган дастурларни ҳамда инсон капиталини ривожлантиришга хизмат қилувчи механизмлар фаолиятини янада такомиллаштириш;

4. Мамлакатларда инсон капиталига йўналтирилаётган инвестициялар самарадорлигини оширишни таъминлаш зарур;

5. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларидаги эркаклар ва аёллар ҳаёти давомийлиги кўрсаткичи орасидаги фарқни қисқартиришга йўналтирилган чора – тадбирлар ишлаб чиқиш;

6. Мамлакатларда оналар ва болалар ўлимини камайтиришга қаратилган дастурларни янада такомиллаштириш, асалликларни келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, уларни олдини олишга қаратилган ишларнинг сифатини янада такомиллаштириш.

7. Таълим ҳамда соғлиқни сақлаш соҳалари ислохотларини янада чуқрлаштириш ҳамда узвийлигини таъминлаш;

8. Инсон капиталига йўналтирилаётган инвестицияларнинг бевосита ва билвосита усулларида самарали фойдаланиш;

Инсон капиталини ривожлантириш бугунги кунда энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Инсон капиталига йўналтирилаётган инвестициялар ҳамда уларнинг натижадорлиги бевосита мамлакатнинг жаҳондаги нуфузини белгилашда муҳим омиллардан биридир.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **I. Расмий ҳужжатлар**

#### **Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари**

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2012.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонуни (1996 й.).
3. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги 29.08.1997 й. 463 – I сонли Қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги 29.08.1997 й. 464-1 сонли Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсати асослари тўғрисида”ги 03.12.2004 й. 714 – II сонли Қонуни.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги 07.01.2008 й. 139 сонли Қонуни.

#### **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарорлари ва фармонлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим – тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида”ги 06.10.1997 й. ПФ – 1869 – сонли Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги Фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури".
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Компютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот – коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида”ги 25.11.2002 й. ПҚ – 3080 – сонли Қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги 02.06.2005 й. ПҚ – 91 – сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва уни моддий

рағбатлантиришни кучайтириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги 25.11.2005 й. ПҚ – 227 – сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 январдаги "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" дастури тўғрисида"ги Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 19 сентябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги Фармони

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 октябрдаги "Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ““Баркамол авлод йили” Давлат дастури тўғрисида””ги 27.01.2010 й. ПҚ – 1271 – сонли Қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим муассасаларини реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича бюджетдан ташқари жамғармани ташкил этиш тўғрисида”ги 10.11.2010 й. Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чет тиллари ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги 10.12.2012 й. ПҚ – 1875 – сонли Қарори.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ““Обод турмуш йили” давлат дастури тўғрисида”ги 14.02.2013 й. ПҚ – 1920 сонли Қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ““Соғлом бола йили” давлат дастури тўғрисида”ги 19.02.2014 й. ПҚ – 2133 сонли Қарори.

### **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида ишчи кадрларни узлуксиз касбга ўқитиш, қайта ўқитиш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини шакллантириш тўғрисида”ги 11.03.1995 й. 87 – сонли Қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўрта махсус касб – ҳунар таълими тузилмасини такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги 12.06.2001 й. 253 – сонли Қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўрта махсус, касб – ҳунар таълими муассасалари учун педагог кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги 04.10.2001 й. 400 – сонли Қарори.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги "Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта ва махсус, касб – ҳунар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида”ги 29.10.2003 й. 473 – сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 октябрдаги "Тиббий фаолиятни ва фармацевтика фаолиятини лицензия-лаш тўғрисидаги Низомларни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарори.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 июндаги "Соғлиқни сақлаш тизимида экспериментни тугаллаш ва ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 25 январдаги "Сиҳат-саломатлик йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Узлуксиз таълим тизимининг чет тиллари бўйича давлат таълим стандартини тасдиқлаш тўғрисида”ги 08.05.2013 й 124 – сонли қарори.

## **II. Махсус адабиётлар**

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005 й. 96 б.

2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007 й. 48 б.

3. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2008 й. 64 б.
4. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: “Ўзбекистон” 2010 й. 80 б.
5. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011 й.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011 й.
7. Каримов И.А. Амалга оширилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти қуриш ёруғ келажагимизнинг асосий омилидир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2013. 80 б.
8. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттириш йўли бўлади. – Т.: “Ўзбекистон”, 2014 й. 64 б.
9. Абдурахмонов К.Х. Инсон тараққиёти 2013 й. 542 б.
10. Алексей Подберезкин. Человеческий капитал том 1. Идеология опережающего развития человеческого потенциала. Москва 2007 г. С. 434
11. Блаунг М. методология экономической науки, или как экономисты оуьясняют. Изд-во: Журнал «Вопросник экономики».
12. Вереникин, А.О. Человеческий капитал: концептуальные основания и особенности проявления / А.О. Вереникин // США. Канада. Экономика - политика - культура. - 2005.
13. Гохберг Л.М. статистика науки. М. 2003.
14. Денисон Э. «Анализ экономического роста США с 1929 по 1969» (Accounting for United States Economic Growth, 1929-69; 1974. P.576)
15. Елена Козиевская, Елена Яценко. Человеческий капитал России и стран центральной Азии: состояние и прогнозы. Москва 2009 г.

16. Кастельс, М. Информационная эпоха: экономика, общество и культура / М. Кастельс: пер. с англ. под науч. ред. О.И. Шкаратана. - М.: ГУ ВШЭ, 2000.

17. Капелюшников Р.И., Лукьянова А.Л. Трансформация человеческого капитала в Российском обществе (на базе «Российского мониторинга экономического положения и здоровья населения») – Москва, 2009

18. Корнеевец, И.В. Рынок труда в контексте социального государства / И.В. Корнеевец // Весн. Беларус. дзяр. экан. ун-та. - 2005.

19. Крутько В.Н., Смирнова Т.М. человеческий капитал: проблема и ресурс инновационного развития России. – М.: «Цифровичок». 2012. С.232

20. Максимова В.Ф. Инвестирование в человеческий капитал: учебное пособие. Москва 2004 г. С. 48.

21. Макарова Е.О. Человеческий капитал в современной экономике: некоторые теоритический аспекты. – Новосибирск: Институт Экономике РАН, 2012 г.

22. Марцинкевич, В.И. Инвестиции в человека: экономическая наука и российская практика / В.И. Марцинкевич // МЭиМО. - 2005.

23. Радаев В.В. Понятие капитала, формы капиталов и их конвертация. Общественные науки и современность. 2003. №2.

24. Саидов М.Х. Узбекистан: инвестиции в человеческий капитал, партнерство в сфере образования. - М.: Книжный дом газеты «Труд», 2008.

25. Слезингер Г.Э. Социальная экономика: учебник. – М. -: ДИС, 2009.

26. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – Москва: Эксмо, 2007 г.

27. Стюарт Т.А. Интеллектуальный капитал. Новый источник богатства организаций - М.: «Поколение», 2007.

28. Теория человеческого капитала и его применение в оценке финансовых потоков // экономический лабиринт (экономико-правовой журнал) – 2011. №4 (45).

29. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономическая теория. — М., Юнити, 2002. С. 378

30. Человеческое развитие новое измерение социально-экономического прогресса: учебное пособие // кол. авторов. – 2-е издание, дополненное и переработанное. Москва 2009 г. (UNDP Россия).

31. Человеческое развитие: учебное пособие // кол. авторов. – 2-е издание. – Т.: УМЭД, ПРООН, 2011 г.

32. Щетинин В.П. Человеческий капитал и неоднозначность его трактовки / В.П. Щетинин // МЭиМО. - 2001.

33. Экономика, основанная на знаниях: учеб. пособие / О.Н. Волгина; под общ. ред. А.Л. Гапоненко. – 2006.

34. Юрий Корчагин. Человеческий капитал интенсивный социально-экономический фактор развития личности, экономики, общества и государственности. Москва 2011 г.

35. Becker G. Human Capital. — N.Y.: Columbia University Press, 1964.

36. Kiker B.F. The Historical Roots of the Concept of Human Capital // Journal of Political Economy. 2001.

37. Shultz T. Human Capital in the International Encyclopedia of the Social Sciences. — N.Y., 1968. vol.6

38. Solou R. Policy of Full Employment, 1962. P. 638

### **Ш. Халқаро ташкилотларнинг ҳисоботлари, статистик тўпламлар**

1. Бедность 2030 Процветание. Годовой отчет 2013. Всемирный банк. Вашингтон, 2013.

2. ВОЗ Доклад о состоянии здравоохранения в мире 2013 г.

3. Всемирные доклады о человеческом развитии ПРООН 2010-2012 годов.

4. Инсон тараққиёти тўғрисида маъруза: марказсизлаштириш ва инсон тараққиёти. Ўзбекистон 2005 (UNDP).

5. Доклад о развитие человека 2010. Реальная богатство народов: пути к развитию человека / Пер. с англ.; ПРООН. – М., Издательство “Весь Мир”, 2010.

6. Доклад о развитие человека 2013. Возвышения Юга: человеческий прогресс в многообразном мире / Пер. с англ.; ПРООН. – М., Издательство “Весь Мир”, 2013.

7. Саломатлик барча учун: Ўзбекистоннинг янги мингйилликдаги асосий мақсади. Муаллифлар гуруҳи. Тошкент 2006 (UNDP Uzbekistan).

8. Содружество Независимых Государств в 2012 году: Статистических ежегодник // межгосударственный статистический комитет СНГ. – Москва 2013

9. Ўзбекистонда таълим: талаб ва таклиф мутаносиблиги. Муаллифлар гуруҳи. Тошкент 2007/2008. (UNDP Uzbekistan)

10. Обзорный доклад по измерению человеческого капитала (ООН. Экономический и Социальный Совет. Конференция европейских статистиков. Женева 2013)

11. Программа развития ООН в Узбекистане, Университет мировой экономики и дипломатии 2008. Кол.авторов. Человеческое развитие. Учебник

12. UNDP Доклад о человеческом развитии 2013 г.

13. BRICS joint statistical publication 2013.

14. Human Development Report 2013 // United Nations Development Programme 2013.

#### **IV. Интернет сайтлар**

1. [www.knoema.com](http://www.knoema.com)
2. [www.lexpressiondz.com](http://www.lexpressiondz.com)
3. [www.worldbank.org](http://www.worldbank.org)
4. [www.weforum.org](http://www.weforum.org)
5. [www.undp.org](http://www.undp.org)
6. [www.cisstat.org](http://www.cisstat.org)
7. [www.economist.com](http://www.economist.com)
8. [www.centrasia.com](http://www.centrasia.com)
9. [www.vedomosti.ru](http://www.vedomosti.ru)
10. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)

11. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
12. [www.mf.uz](http://www.mf.uz)
13. [www.edu.uz](http://www.edu.uz)
14. [www.minzdrav.uz](http://www.minzdrav.uz)
15. [www.mineconomy.uz](http://www.mineconomy.uz)
16. [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)